БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 214 (17.496). • 16 сентябрь 1979 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИСТ—МУСОБАҚА АВАНГАРДИ

ҒАЛАБА РАЙОНИ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ДОЛЗАРБ КУНЛАРДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАНИБ, ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ СУРЪАТИНИ ТЕЗЛАТИШ УЧУН БАРЧА КУЧЛАРНИ САФАРБАР ЭТИШГА ДАЪВАТ ЭТМОҚДА.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Теримда пешқадам—Ғиждувон райони

ОЛТИН ҚЎЛЛАР ЖАСОРАТИ

Бухоро областининг Ғиждувон райони меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш маҳоратлари билан машҳур. Масалан, ўтган йилги мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам улар тўртдан бир қисмига ингичка толали пахта экилган 16250 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38,1 центнердан ҳосил кўтариб, 62 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаган эдилар.

Район пахтакорларининг бу йилги мажбурияти 65 минг тонна «оқ олтин» тайёрлашдир. Ғўза парваришида пахта ўтказилганлиги ва илғор агротехника усуллари қўлланилганлиги туфайли далаларда олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпланишига эришилди.

Йиғим-терим дастлабки кунларданоқ қизғин бошланди ва кун сайин жадаллашиб бормоқда. Кеча район бўйича 2 процент миқдорида хом ашё тайёрланди. Пахтазорларда қарийб 12 минг теримчи ишлаяпти. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 86 килограммдан «оқ олтин» тўкмоқда.

Энгельс номли, «Гулистон», С. Айний номли колхозларда терим суръати бундан ҳам баланд. Бу ерда ҳар бир теримчи кунига 88-89 килограммдан пахта теришга эришяпти.

«Гулистон» колхозининг Убайдулла Файзиев ва Вафо Ражабов бошлиқ бригадалари, «Зарафшон» колхозининг Яраш Рўзиев бошлиқ бригадаси пахтакорлари кунига йиллик планнинг 4-4,5 процента миқдорида пахта тайёрламоқдалар. Бу илғор коллективларнинг мажбурияти — гектаридан 55-60 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олиш.

Район хўжаликларида терим техникаси учун кенг иш фронти яратиляпти. Ғўза дефолиациясида 10 та самолёт ва 220 та ерда ишлатиладиган аппаратдан фойдаланилмоқда. 50 йиғим-терим-транспорт отрядларига бирлаштирилган 327 та пахта териш машинаси, 827 та тележка, 92 та автопогрузчик, 20 та техника хизмати кўрсатувчи кўчма устахона, 25 та автозаправшчик ишга шайлаб қўйилди. Район хўжаликлари пахта тайёрлаш йиллик планини 15 октябрга, мажбуриятни эса 20 октябрга бажаришни мўлжаллашмоқда.

* * *

Бугун Қорақалпоғистон АССРнинг Хўжайли, Чимбой, Нукус ва бошқа районларидан йўлга чиққан қизил карвонлар қабул пунктларига минг тонна «оқ олтин» келтиришди.

Беруний районидаги Киров номли колхознинг Нурбой Беркинбоев бошлиқ звеноси бир кунда 42 тонна юқори сифатли пахта топширди ва Автоном республикада биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди.

* * *

Сурхондарё областининг Қумқўрғон районидаги чўлқуварларнинг кўплаб бригадалари теримнинг дастлабки кунлариданоқ пахта тайёрлашда юксак суръатларга эришмоқдалар. Ульянов номли совхознинг Сафар Мирзаев, «Пахтакор» совхозининг Тўра Собиров ва Октябрь 60 йиллиги номли совхознинг Курбоной Саферова бошлиқ бригадалари йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Бу коллективлар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар ва ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга бел боғладилар.

* * *

Қашқадарё области бўйича Нишон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозининг меҳнаткашлари теримда энг юқори кўрсаткичга эришяптилар. Бу хўжаликда бир кунда планга нисбатан 9,4 процент, мавсум бошидан буён 57 процент пахта тайёрланди.

Область бўйича теримчилар ўртасида биринчиликни Яккабоғ районидаги «Ленинизм» совхозининг теримчиси Саноат Арабова эгаллаб турибди. Унинг бир кунда тераётган «оқ олтини» 290 килограммни ташкил этяпти.

Теримчи ва механизаторлар! Йиғим-терим илғорларига тенглашинг! Йиғим-теримда, экинларга химиявий ишлов беришда юқори суръат ва сифат бўлишига эришайлик!

90 ПРОЦЕНТ ПАХТА МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

Колхозимизда машина теримига катта эътибор бериляпти. Алмашлаб экиш асосида барча карталар яхшилаштирилган, ерга ер қўшилиб, деҳқончилик маданияти анча яхшиланган. Шу туфайли машиналарга тайёриб, шаҳарлик ҳашарчиларсиз борлиқ ҳосилни ўз кучимиз билан йиғиштириб оляпмиз.

Ҳар йили пахта юқори сортларга топширилиб, колхозчилар ва механизаторларнинг моддий манфаатдорлиги ошириляпти. Чунончи ўтган уч йил мобайнида колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 65 сўмдан 168 сўмга кўтарилди. Сувчи ва механизаторлар маоши 200 сўмдан ошиб кетди. Бу эса пахта етиштиришни янада кўпайтириш, дала ишлари, хусусан теримни тўлароқ машиналаштиришга чорламоқда. Карим Жуманов, Нарзулла Мамадиёров бошлиқ бригадаларимиз беш йиллик пахта топшириш планларини ошириб бажардилар.

Ғалабаликлар ташаббусига қўшилган пахтакорларимиз бу йил улкан марраларни кўзлаб ишламоқдалар. Чигит экиш ва ғўзанинг дастлабки парваришидаги қийинчиликлар мардонавор меҳнат билан енгилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, 1418 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнер ўрнига 40 центнер пахта тайёрлаш мажбуриятини қабул қилдик. Давлатга халқ хўжалик планидаги 3400 тонна ўрнига 5672 тонна пахта топширамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1979 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарори асосида йиғим-терим тадбирларини ишлаб чиқдик. Ушбу тадбиримизда ялпи ҳосилнинг камида 90 процентини машиналарда териб олишни планлаштирдик! Мавсумда ҳар бир машинада 260 тонна пахта терилади.

Машиналарни тўла икки сменада ишлатамиз, бирортасининг бекор туриб қолишига йўл қўймаймиз. Ипатоволиклар методи асосида терим-транспорт отрядлари, уларга хизмат кўрсатадиган звеноларни туздик, иш бошига коммунистларни қўйдик. Механик-ҳайдовчиларга техника хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида кўчма устахоналар ташкил қилдик. Механик-ҳайдовчилар бир-бирларининг ишини кузатиб борадилар, графикларнинг бажарилишини назорат қиладилар, сортнинг юқори бўлишини таъминлайдилар, нобудгарчиликка қарши қаттиқ ўт очадилар. 1300 гектар ердаги ҳосил машина теримига ажратилиб, ҳар бир картага механик-ҳайдовчилар бириктириб қўйилди. Пайкаллар бегона ўтлардан тозаланди.

Кўсакларнинг 50—60 процента очилган далаларда ғўза баргини сунъий усулда тўкиш графиги тузиб чиқилди. Дефолиацияни бу йилги шароитни ҳисобга олиб табақалаб ўтказамиз. Ўтган йилнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, ғўза барги нечоғли сифатли тўктирилса, машина теримида иш унуми шунча юқори бўлади, пахта сорти яхшиланади. Биз самарадорликни ошириш мақсадида ҳамма жойда дефолиацияни ер аппаратларида ўтказишни лозим топдик. Шу муносабат билан «ОВХ-1» аппаратларини тайёрлаб қўйдик. Уларни икки сменада ишлатишни таъминлаймиз.

Бу йилги теримда 24 та «зангори кема» қатнашади. Биринчи отрядга 400 гектар, иккинчи ва учинчи отрядга 300 гектардан пахта майдони ажратиб берилди. «Зангори кема»ларни 1-класс механик-ҳайдовчилар бошқаради, уларга сменадошлар тайинланди.

Отрядлардаги механик-ҳайдовчилар мавсумда кўп, сифатли пахта териш юзасидан мусобақалашиб, юксак мажбуриятлар қабул қилдилар. Шамси Одилов ўтган йили мавсумда ўз агрегати бункеридан 400 тонна пахта тўккан эди. Бу йилги мавсумда 450 тонна пахта теришга ваъда берди. Механик-ҳайдовчилардан Тоир Эшқувватов 350 тонна, Исмат Дониёров, Самандар Обилов ва Олим Ҳолмаматовларнинг ҳар бири 300 тоннадан пахта териш мажбуриятини олишди. Шахсий мажбуриятларини ошириб бажарган механик-ҳайдовчилар меҳнати тақдирланади. Теримда алоҳида ибрат кўрсатган мусобақа ғолибларига вимпел ва пул мукофоти берилади. Ҳосилнинг 95 процентини машинада териб олишни таъминлаган илғор бригада бошлиғи ҳамда бригада механик-ҳайдовчиси бир ойлик маоши билан мукофотланади.

Машина теримига тайёргарлик ишлари тугалланди. Яқин кунларда дефолиация бошланади. Пахтазорларга терим агрегатлари чиқадиган кун тобора яқинлашмоқда.

Д. ОЧИЛОВ,
Иштихон районидаги Охунбобоев номли колхоз бош инженери.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ВОБКЕНТ. «Коммунизм» колхозининг Ўртачўл массивида деҳқончилик қилаётган Шамсулла Ҳолиқов бошлиқ бригада коллективи маррага етганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чеккан эди. Куни кеча шу колхознинг Тош Жўраев бошлиқ бригадаси чўлқуварлари ҳам пахта тайёрлаш йиллик планини шараф билан адо этишди. Чўлда деҳқончилик қилган бригада заршунослари 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 15 центнердан ошириб ҳосил олишди. Улар мавсум охиригача яна 15 центнердан пахта териб олиб, ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказишга қарор қилишди.

* * *

ШЕРОБОД. Райондаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг Оллоёр Худоёров бошлиқ бригадаси аъзолари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар теримни уюшқоқлик билан ташкил этиб, уч иш кунида пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли бажардилар. 81 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 центнердан «оқ олтин» териб олишди. Ҳосилнинг ҳаммаси агрегатлар бункеридан тўкилди.

Бригадада мажбурият ҳисобига пахта топшириляпти.

Нишон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозининг пахтакорлари республикада биринчи бўлиб йиғим-теримни бошлаб юборган эдилар. Ҳозир хўжаликда ҳосилни ўз вақтида териб олишга барча кучлар сафарбар этилган. Совхоз пахтакорлари 2 минг гектар пахта майдонидан 6 минг тонналик хирмон кўтаришга бел боғлашган. Суратда: совхоз директори Бекмурод Имомов илғор звено бошлиғи Тоҳир Норбековни дастлабки кунлардаги муваффақият билан табриклямоқда.

Е. Ботиров фотоси.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 15 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида);

Сурхондарё	0,90	5,67
Бухоро	1,02	5,53
Қашқадарё	1,01	5,43
Фарғона	0,52	1,44
Андижон	0,21	0,55
Наманган	0,15	0,36
ҚҚАССР	0,05	0,27
Тошкент	0,08	0,22
Сирдарё	0,07	0,14
Хоразм	0,07	0,12
Самарқанд	0,02	0,05
Жиззах	0,03	0,03
Республика бўйича	0,37	1,78
Шу жумладан машинада		
Қашқадарё	0,10	0,54
Сурхондарё	0,07	0,17
Республика бўйича	0,02	0,06
Шу жумладан ингичка толали пахта		
Сурхондарё	0,33	3,46
Қашқадарё	0,25	0,83
Бухоро	0,34	0,68
Республика бўйича	0,30	2,38

ДЕФОЛИАЦИЯ КАНДАЙ БОРЯПТИ

Республика областларида дефолиациянинг бориши ҳақида шу йил 15 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон (планга нисбатан процент ҳисобида); учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Сирдарё	14,7	45,7
Қашқадарё	6,2	25,8
Жиззах	9,2	25,2
Тошкент	7,9	22,1
Сурхондарё	3,4	14,0
Наманган	3,9	9,2
ҚҚАССР	1,5	3,5
Андижон	1,3	3,2
Бухоро	0,8	1,9
Хоразм	0,6	1,1
Фарғона	0,4	0,7
Самарқанд	0,1	0,1
Республика бўйича	4,3	13,3

КУНИГА 2 ПРОЦЕНТДАН

Наманган областида пахта теримига пухта тайёргарлик билан киришилди. Поп райони пахтакорлари теримни биринчи бўлиб бошлаб бердилар. Дастлабки куни тайёрлов пунктларига 80 тонна «оқ олтин» топширилган бўлса, кеча кўрсаткич 120 тоннадан ошди.

«Коммунизм» колхози деҳқонларининг пахта карвонни салмоқли бўлмоқда. С. Ўктамов, М. Маҳмудов, Д. Эргашев, А. Бойбобоев, З. Сахатова, М. Турсунов ўртоқлар бошлиқ бригада ва звенолар кунига йиллик планнинг 1,5-2 процентга миқдорида юқори сифатли «оқ олтин» тайёрламоқда. Колхозда 1400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43,2 центнер ўрнига 50 центнердан хирмон кўтаришга, ялпи ҳосилнинг 80 процентини машиналарда териб олиш ҳамда йиллик пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 15 октябргача бажариш тадбирлари белгиланди.

Ленин орденли Ленин номли, «Партия XXII съезди», «Поп», «Найман» колхоз, совхозларида ҳам пахта карвонлари зарбдор йил манзили сари йўлга чиқди. Мазкур хўжаликларда йиғим-терим ишлари кун сайин кучайтирилмоқда.

Т. НАЗИРОВ.

100 килограммчилар

ЖАРҚЎРҒОН. (Жамоатчи мухбиримиздан). Бир неча йилдирки, Ҳамид Олимжон номли совхознинг коммунист Юсуф Хўжаназаров бошлиқ бригадаси коллективи пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган маррага Жарқўрғон районидагина эмас, балки Сурхондарё областида биринчи бўлиб байроқ қадамоқда. Бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермасликка аҳд қилган бригада заршунослари пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик билан киришдилар.

Бригаданинг Рўзиҳол Олланазарова, Гулнора Хўжаназарова, Ойгул Қўчқорова, Ҳайитгул Нурманова, Ҳалима Чориева сингари комсомол-ёшлари кунига 80—100 килограммдан пахта теришмоқда.

Ҳоботоғ даштида деҳқончилик қилаётган чўлқуварлар бултур ҳар гектар майдондан 38 центнердан ошириб «оқ олтин» олган эдилар. Бу йил гектар бошига 45 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилишган.

М. МАМАТҚУЛОВ.

УРУҒЛИК ПАХТА

ЖИЗЗАХ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Учинчи беш йиллиннинг ҳал қилувчи йилида Ватанга 55 минг тонна «оқ олтин» топшириш учун курашаётган район заршунослари тўзанинг пастки шохларидаги уруғлик пахтани хиллаб теришни бошлаб юбордилар. Бу ишга Ҳамид Олимжон номли, Навоий номли, колхозлар, Ленин номли, Жданов номли, Ҳамроқул Носиров номли, Карл Маркс номли совхозлар пахтакорлари биринчи бўлиб киришдилар.

Ҳамид Олимжон номли колхознинг 60 центнерчи Номоз Солиҳов, 55 центнерчи Неъмат Шукуров 45-50 центнерчи Мели Турсунматов, Аҳмаджон Маматқулов, Каттабек Қиёмов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда кўпминг килограммчилар ҳаракати авж олиб кетди.

МАШИНА ТЕРИМИ ОЛДИДАН

ЖИЗЗАХ. 15 сентябрь. (ЎзТАГ). Жиззах областининг механизаторлари ҳар бир машина билан юз тонна пахта теришга ва терим мавсумини ўттиз иш кунида тугаллашга қарор қилдилар. Механик-ҳайдовчиларнинг бугун бўлиб ўтган область слётида ана шу ҳақда айтилди.

Қўрик Жиззах областида 3185 пахта териш агрегати шай қилиб қўйилди. Бу машиналар билан мавсум давомида 270 минг тонна «оқ олтин» ёки етиштирилган ҳосилнинг 85 проценти териб олинади.

— Биз мусобақалашаётган Тошкент области механизаторларидан орқада қолмасликка ҳаракат қиламиз, — дейди Дўстлик районидаги Ленин номли совхоздандонгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов. — Бу йил мен ўз машинам бункеридан камида 400 тонна пахта бўшатишга қарор қилдим. Бу мажбуриятимни албатта бажараман.

Слётда область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров нутқ сўзлади. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев Дўстлик районидаги «Комсомол» совхозига бултур машина-механизмлардан самарали фойдаланганлиги учун СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди.

ОЛИМЛАР УЧРАШУВИ

СССР Фанлар академияси генетика ва селекция проблемалари илмий кенгаши билан Н. И. Вавилов номли генетиклар ва селекционичилар Бутииттифоқ жамияти марказий кенгашининг кўшма пленуми Тошкентда ўз ишини тамомлади. Мамлакатнинг таниқли олимлари қишлоқ хўжалик фанининг актуал масалаларини муҳокама қилдилар. Жумладан, пахтанинг янги навларини яратиш соҳасидаги илмий-тадқиқотларни ривожлантиришга, ипак қурти уруғи селекциясининг назарияси ва практикасини такомиллаштиришга оид докладлар тингланди.

(ЎзТАГ).

Бухоро қоракўлчиларининг слёти

БУХОРО, 15 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун Бухоро область қоракўлчиларининг слёти бўлди. Слёт қатнашчилари тармоқни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Барча резервлардан тўлиқ фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини, илғорлар тажрибасини кенг жорий этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Слётда область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов нутқ сўзлади.

Слёт иштирокчилари областдаги барча қоракўлчиларни чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшишга, чорва қишловига ҳар томонлама тайёргарлик кўришга даъват этди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АРМУҒОНИ

Ёз бўйи пешона тери тўкиб қилинган меҳнат зое кетмади. Ҳамма майдонларда мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Қайси хўжаликда, бўлимда, участкада, бригадада бўлманг оппоқ чамандек очилган пахталарни кўриб хурсанд бўлади киши. Мана орзиқиб кутилган дамлар ҳам етиб келди. Ўзбекистоннинг шимоли — Қорақалпоғистонда ҳам терим бошланди. Тўрткўл райони пахтакорлари ва механизаторлари Автоном республикада биринчи бўлиб пахта теримига киришдилар.

Тўрткўлликлар ўнинчи беш йиллиннинг тўртинчи йилида она-Ватанга камида 45 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш ва умумий ҳосилнинг 70 процентини «зангори кема»ларда териб олиш мажбуриятини олганлар. Енбошқалъа, Қумбосган массивларида «оқ олтин» етиштираётган хўжаликлар, бўлимлар, бригадалар эса умумий ҳосилнинг 85—90 процентини «зангори кема»ларда териб оладилар. Эрта-индин ҳамма жойда дефолиация бошлаб юборилади. Бу йил пахта теримида 250 та «зангори кема» ишлатилади.

Районда йиғим-теримнинг бошланишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни район ижроия комитетининг раиси А. Юсупов очди. Район партия комитетининг биринчи секретари Қосим Нурмбетов пахта теримини бошланиши билан йиғилиш қатнашчиларини чин қалбдан қизғин табриклади.

— Совхозимиз ишчилари, механизаторлари, — деди «Ленинизм» совхозининг директори Ў. Матнепесов, — бугунги тантанага йиллик планнинг, салкам икки процента миқдорида пахта тайёрлаш билан келдилар. Эрта-индин терим суръатини 3,5—4 ҳисса оширамиз. Минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтариб, она-Ватанга 5 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» армуғон қиламиз. Пахта тайёрлаш планимизни 18 иш кунида бажарамиз.

Шундан кейин Қумбосган массивида пахта етиштираётган Димитров номли колхознинг бригада бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати Искандар Оллаберганова сўз берилади.

— Бу йил қўриқда ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди, — деди у,— ҳамма майдондаги пахталар ёппасига очилди. 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариб, она-Ватанга 240 тонна «оқ олтин» армуғон қиламиз. Ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб оламиз. Бугунгача бригадамиз аъзолари йиллик планнинг 18 процента миқдорида пахта топширдилар.

Район хўжаликларида машина теримига алоҳида эътибор берилмоқда. Агрегатларни икки сменада ишлатиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Дала гвардиячилари шу кеча-кундузда ёппасига теримга тушишга шай бўлиб туришибди.

— Мен ўтган йили машинада 400 тонна «оқ олтин» тердим, — дейди «Намуна» колхозининг механизатори Тўхта Нуримова, — бу йилги аҳдим яна ҳам катта. Ўнинчи беш йиллиннинг тўртинчи йилида бункердан 420 тонна «оқ олтин» тўкишга қарор қилганман.

Йиғилиш тамом бўлди. «Оқ олтин» ортилган транспортлар пахта тозалаш заводи томон йўл олдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. В. КУЙБИШЕВ НОМЛИ САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИНИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги ва қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун **В. В. Куйбишев номли Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти «Ҳурмат Белгиси»** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1979 йил 14 сентябрь.

БУГУН—ЎРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЎРМОНЛАРИМИЗ САЛОБАТИ

Инсон дунёга келиши биланоқ ўрмон саховатидан бахраманд бўлиб яшайди. У ҳаётнинг маъносини тушунган сайин ўрмондан миннатдорчилиги орта беради. Ҳозир биз индустриянинг қудратини ҳам, экинзорларнинг ҳосилдорлигини ҳам, ер юзидаги об-ҳавони ҳам, ўз сиҳат-саломатлигимиз, омон-эсонлигимизни, ўз қувончимизни ҳам ўрмон билан боғлиқ деб биламиз. Шу боисдан ҳар биримиз ўрмонни асрайдиган ва бунёд этадиган кишиларнинг меҳнатини алоҳида меҳр-муҳаббат билан қадрлаймиз.

Бугунги байрам — ўрмон ходимлари кунига сермазмун рапорт тайёрланди: кўк хазинамизнинг бойликлари тўла-тўкис ҳисоблаб чиқилди. Яхлит давлат ўрмон фонди майдони — 1 миллиард 257,3 миллион гектар экилди, бу эса мамлакат территориясининг ярмисини ташкил этиши аниқланди. 791,6 миллион гектар ўрмонда 84,1 миллиард куб метр ёғоч бойлиги бор. Бу — тахминан дунёдаги ҳамма ёғоч запасларининг чорак қисмига ва энг қимматбаҳо игна баргли ва дарахтларнинг ярмисига тўғри келади.

Бизнинг ўрмон тўғрисида қилаётган ғамхўрликларимизга келгуси авлодлар тўла-тўкис баҳо берадилар. Аммо юқоридаги статистика маълумотларидан бугунги кун ишларининг «яшил дўст» абадий сахий бўлишига қаратилганлиги кўриниб турибди. Ишларнинг баланси ижобий: қанча дарахт кесиб олинаётган бўлса, шундан кўпроқ кўчат ўтказилмоқда ва ўрмоннинг табиий қайта тикланишига кўмаклашадиган тадбирлар ўтказилмоқда. Ўрмонларни янгилаш миқёси ва суръатлари жиҳатидан ҳеч бир давлат Совет Иттифоқига тенглаша олмайди.

Ўрмонларнинг нобуд бўлаётганлиги жаҳон аҳлини безовта қилиб турганини биламиз. Ўрмонларга энг бой бўлган тропик зонада, масалан, ўрмонлар минутига 20 гектар тезликда нобуд қилинмоқда. Бу зонадаги ўрмонларнинг 40 проценти ҳозиргача йўқ бўлиб кетди. Қолган қисмининг аҳволи нима кечаркин? Биздаги ишларга жаҳон аҳли қойил бўлмоқда — бирталай районларда: масалан, Воронеж, Москва областларида, Белоруссияда ўрмонлар 70—100 йил аввал бўлганидан кўра анча кўпайди. Совет ҳокимияти йилларида 30 миллион гектардан кўпроқ ерда ўрмонларни қайта тиклаш ишлари ўтказилди. Энди ҳар йили бутун революциядан аввалги даврда қайта тиклаланганидан кўра икки ҳисса кўп кўчат ўтқазилмоқда.

Мамлакатнинг яшил океани кенгайиб бормоқда. Миқдор жиҳатидангина эмас, сифат жиҳатдан ҳам қимматли ишлар қилинмоқда: янгиланган ўрмонзорларнинг сифати анча яхшиланмоқда. Турли-туман дарахтлар кесилиб олиниб, уларнинг ўрнига игна баргли ва бошқа энг қимматбаҳо нав дарахт кўчатлари ўтқазиш йўли билан ўрмонларнинг потенциали оширилмоқда. Ҳозир сепилаётган кўпгина уруғлар ва ўтқазилаётган кўчатларнинг селекция-генетика асослари бор. Улар сара элита дарахт навларидан олинган уруғ ва кўчатлардир. Замонавий ўрмон уруғчилиги базаси барпо этилмоқда, келажакнинг ғоят сермаҳсул навли ўрмонлари вужудга келтирилмоқда.

Мамлакатимиз табиат хазинасидан ҳар йили 400 миллион куб метрга яқин ёғоч олиб турибди, ундан 20 минг турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ўрмонга сира зарар етказмай туриб ёғоч тайёрлашни икки ҳисса кўпайтириш мумкин. Бунда бутун гап кесиладиган ўрмонларни оқилона танлашда, хом ашё ресурсларидан тўла-тўкис фойдаланишда қолган. Халқ хўжалиги экономикаси ҳам «яшил цех» ходимларидан шуни талаб этади. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «планлаштиришни яхшилаш ҳамда хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори бу ишда программавий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

БМТ махсус ташкилотининг тахминига қараганда, яқин 15 йил мобайнида дунёда ёғочга бўлган талаб 75 процент ортади. Кўпгина экспертлар ўрмоннинг аҳамияти ошиб бораётганлигини энергетика ресурслари муаммоси билан боғлиқ деб ҳисобламоқдалар. Масалан, нефть, газ ва кўмир етишмай турган ва қимматлашиб бораётган бир шароитда ўрмон химияси зўр бериб ривож топади, деб тахмин қилмоқдалар. Бизнинг назаримизда, бу тенденция Москвада бўлиб ўтган «Лесдревмаш-79» халқаро кўргазмасининг кўргазмаларида сезилиб турди.

Бироқ, ҳатто замонавий экономика ҳам ўрмоннинг бойликлари ва имкониятларини тўла-тўкис чамалай олмайди. Аммо, у шуни биладики, ўрмоннинг ўзи — унинг илк салобати ҳам ҳар қандай бевосита туҳфалардан саховатлироқ ва беқиёс муҳимроқдир. «Ўрмон — одамлар учун» шиори остида бўлиб ўтган жаҳон ўрмон конгрессида кўкатлар планетанинг энг маҳсулдор ўсимлик формациясигина бўлиб қолмай, ер юзидаги турмуш эсон-омонлигининг зарур шарти ҳам деб баҳоланди. Ўрмон табиий жараёнларнинг интенсивлиги ва ҳаёлишини тартибга солиб турувчи асосий стабилизатор, деб тан олинди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда — ана шу жаҳоншумул миқёсдаги муаммода ўрмоннинг роли беиҳоя катта эканлиги уқтириб ўтилди.

Хуллас, ўрмон одамларнинг «яшил дўсти», бамисоли мўъжиза янглиғ қудратли ва яхши дўсти бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб колади.

Д. СМИРНОВ,
(ТАСС).

Магажон ўрмон хўжалиги Актюбинск область ўрмончиларининг социалистик мусобақасида биринчиликни эгаллаб келмоқда. Кейинги йилларда бу хўжаликда 70 минг тупдан ортиқ дарахт ўтқазилди. 5 минг гектар ерда қарагай, терак, қайин ўстирилмоқда. Суратда: Магажон ўрмонларида.

Д. Карачун фотоси. (ТАСС).

ВАТАННИНГ УЛКАН БОЙЛИГИ

Ўрмон бойликлари жиҳатидан бизнинг мамлакатимизга дунёдаги биронта мамлакат тенглаша олмайди. Ер юзидаги ўрмонларнинг чорак қисми Совет Иттифоқида жойлашган.

Ўрмонзорлар саховатини оширишга, ёғоч тайёрлаётган ва қайта ишлаётганларнинг, ёғоч тайёрлаётган ва қайта ишлаётганларнинг пешқадамлари анъанавий байрам — Ўрмон ходимлари кунини нишонлаш учун 14 сентябрь куни Москвада тўпланишди.

Тантанали мажлис президиумида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари М. А. Лесечко, З. Н. Нуриев, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари И. Н. Дмитриев, В. В. Листов, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, социалистик мусобақа илғорлари, ишлаб чиқариш новаторлари ўтиришибди.

СССР ўрмон ва ёғочсозлик саноати министри Н. В. Тимофеев доклад қилди.

(ТАСС мухбири).

БОЛАЛАР ВА ЎСПИРИНЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯЛАШ

14 сентябрь куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов раислигида СССРда Халқаро болалар йилини ўтказиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Комиссия мажлисида «Ҳамма болаларнинг тинч ва бахтиёр келажаги учун» деган мавзуда яқинда Москвада ўз ишини тамомлаган жаҳон конференциясининг якунлари кўриб чиқилди. Совет хотин-қизлари комитетининг раиси В. В. Николаева-Терешкова шу масала юзасидан ахборот берди. Комиссия совет, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари катта иш қилганликларини, бу иш конференциянинг муваффақиятли ўтказилишига кўмак берганлигини қайд этди.

Болалар ва ўспиринларни ҳуқуқий тарбиялашни кучайтириш соҳасидаги иш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Мажлис қатнашчилари СССР ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. С. Папутининг, СССР юстиция министри В. И. Теребиловнинг, СССР маориф министри М. А. Прокофьев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов, СССР Ҳунар-техника давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. А. Саюшевнинг ахборотларини тингладилар.

Н. А. Тихонов мажлисда сўзлаган нутқида социалистик жамият барча аъзоларининг юксак ҳуқуқий маданияти ҳар бир кишини ўйғун равишда камол топтиришнинг, унинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ўстиришнинг жуда муҳим омили эканини таъкидлаб ўтди.

Мажлис қатнашчилари болалар ва ўспиринларни ҳуқуқий тарбиялаш ишини янада яхшилашга доир таклифлар ва тадбирларни маъқулладилар.

(ТАСС).

ГАЗЕТАНИНГ МУҲИМ ТЕМАСИ

Матбуот обзори

Андижон областининг Болгария Халқ Республикасидаги Ямбол округи ва Иваново билан қардошлик алоқаси, Қозоғистон ССРдаги Толдиқўрғон, Қирғизистон ССРдаги Ўш, Тожикистон ССРдаги Кўрғонтепа, қўшни Наманган областлари билан мусобақаси кўпдан бери давом этиб келади. Бу алоқаларнинг натижалари, улар мусобақадошларга нималар бераётганлиги, ишлаётганлигини ҳаммамиз ҳали жуда кам. Мусобақа ҳақида ёзилган мақолаларда баъзан юзакичилик, фактларнигина санаб ўтиш ҳоллари учраб турибди. Мусобақа ғолибларининг ютуғи, меҳнати умумий гаплар соясида қолиб, қалам аҳлининг ёрқин фикри, чуқур таҳлили, аниқ маслаҳати материалларда ҳамиша сезилиб турмаётир.

Газета бу соҳада маълум тажрибага эга. У қардошлар билан ўрнатилган мустаҳкам дўстлигининг ўзига хос ойнаси бўлиб қолди. Газета Ямбол округ «Народен другар» газетаси билан ҳамкорликда вақти-вақти билан совет—болгар дўстлигига бағишланган қўшма сонлар, саҳифалар чиқарди. Анъанавий дўстлик ҳақида подборкалар эълон қилди. Болгар журналистларининг андижонлик мусобақадошлар ҳақида ёзган ажойиб публицистик мақолаларини кўчириб босди. Иваново тўқимачилари, ўзбек, қирғиз, қозоқ меҳнатчилари ҳақида ўқимишли лавҳалар берди.

«Коммунист» газетасининг 20 августдаги махсус бир сони Андижон—Ўш мусобақасига бағишланди. Ўш область ижроия комитетининг раиси А. Тожибоевнинг бош мақола ўрнида берилган «Беллашувимиз мазмуни» мақоласи ҳамда область халқ хўжалиги ва маданиятининг турли соҳаларида эришилаётган ютуқлар баён қилинган ранг-баранг материаллар мусобақадош Ўш меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётганидан далолат беради.

Кейинги йилларда областлараро ана шу мусобақа янада чуқурроқ илдиз отди. Икки область ўртасида шаҳарлараро, районлараро, корхоналараро, хўжаликлараро мусобақа юзага келдики, бу нарса «Коммунист» газетаси учун яна бир яхши мавзу бўлди. Газета ана шу мусобақа ҳақида ҳам қатор материаллар эълон қилди. Пахтаобод — Бозорқўрғон, Қўрғонтепа — Сузоқ пахтакорлари ўртасидаги мусобақанинг бориши ёритилди. Кўп ўтмай газетада «Мусобақадошларимиз ҳаётидан» деган рубрика пайдо бўлди.

Шуниси қувончлики, «Коммунист» газетаси ижодий коллективи мусобақадош Ўш областининг «Ленин йўли», қўшни Наманган областининг «Наманган ҳақиқати» газеталари журналистлари билан яқиндан алоқа боғлаган. Уч область газетаси махсус сон, саҳифалар алмашиб, мусобақа пешқадамлари ҳақида лавҳалар, мақолалар ёритиб, дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётир.

«Коммунист» газетасининг коллективи область ҳаётини мунтазам ёритиб бориши ўзининг бош вазифаси деб билади. «Мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз», «Олинган мажбуриятлар изидан» деган рубрикалар газета саҳифаларидан тушмайдиган бўлиб қолди. Ана шу рубрикалар остида берилаётган материалларда ишчилар, пахтакорлар, чорвадорлар, соҳибкорлар ўртасидаги мусобақанинг бориши, районлараро ўзаро текшириш якунлари изчил ёритилмоқда.

Газетанинг юқорида тилга олинган ишлари, шубҳасиз мақтовга лойиқдир. Лекин редакция коллективи социалистик мусобақани ижодий ёритиш хусусида ҳали кўп ишлаши, изланиши керак. Газета саҳифаларида социалистик мусобақа ҳақидаги материаллар бизнинг назаримизда ҳали жуда кам. Мусобақа ҳақида ёзилган мақолаларда баъзан юзакичилик, фактларнигина санаб ўтиш ҳоллари учраб турибди. Мусобақа ғолибларининг ютуғи, меҳнати умумий гаплар соясида қолиб, қалам аҳлининг ёрқин фикри, чуқур таҳлили, аниқ маслаҳати материалларда ҳамиша сезилиб турмаётир.

Газетада принципиал, бақувват, кишиларни ўйлантириб қўядиган проблематик материаллар кам берилмоқда. Айрим мақолаларда мақсад тўла очилмай қолмоқда, кўпчилиги зерикарли ёзилаётир. Газета ишида изчиллик етишмайди. Ташаббусларнинг тақдирига эътиборсизлик билан қаралмоқда. Бундан уч йил мукаддам республикада «Ўнлар», ва «Ўн тўртлар» ташаббуси бошланган эди. Улар орасида Андижондан Н. Голев, К. Тошматов ҳам бор эди. Шундан кейин андижонлик ўн ишчи бир бел йилликда икки беш йилликни бажариш мусобақасига қўшилди. Андижон область партия комитети бу ташаббусни маъқуллаб, махсус қарор қабул қилди. «Ўнлар» мусобақаси кенг қулоч ёйиб, минглаб кишиларнинг шиорига айланиб кетди. Лекин «Коммунист» газетаси эса бу мусобақа бошланган кезларда бир-иккита материал бериш билан чекланиб қолаверди. Сўнг бу мусобақа унутиб қўйилди. Ташаббускорлар қандай ютуқларга эришди, уларнинг иши ҳозир қандай кетяпти, бу саволлар ҳамон жавобсиз қоляпти.

Бу ягона мисол эмас. Андижон область партия комитетининг тавсияси билан газетанинг шу йил 25 июль сонида Олтинкўл районидаги Калинин номли колхоз аъзоси Ойсулув Тошматованинг областдаги барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, ёш пахтакорларга очиқ хати босилди. Лекин обком мақуллаган бу ташаббуснинг туб мақсади газетхонларга тўла етказилмади. Газетада: «Ойсулув Тошматова изидан» рубрикаси пайдо бўлди-ю, аммо ҳеч қанча ўтмай унутиб юборилди. Бу ҳам «Коммунист» газетаси фаолиятида изчиллик етишмаётганини кўрсатиб турибди. Аслида эса бундай ватанпарварлик ташаббусларини кенг тарғиб қилиш журналистларнинг муқаддас бурчи бўлиб қолмоғи лозим.

Ишга якун ясаш, натижаларни қиёслаш, фойдали тажрибани амалий тақрорлаш мусобақани ташкил этишда асосий омилдир. Матбуот мажбуриятлар қандай бажарилаётганини, ким олдинда бораётганини, ким эса ташаббус кўрсатмаётганини, энг яхши кўрсаткичларга интилмаётганини, пассивлик билан кун кўраётганини яқол кўрсатиб бориши лозим. Бундай фактлар тўғрисида ошкора ва принципиал фикр билдиришдан чўчимаслик керак. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу ҳақдаги кўрсатмаси бизга дастуриламал бўлмоғи керак: «Социалистик мусобақа омманинг жонли ижоди бўлиб, илғорларни актив қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнигина эмас, балки орқада қолган ёки етарли даражада ҳалол меҳнат қилмаётган кишиларни ҳам аниқ билиб олишни талаб қилади. Бу ишни ҳаммамизнинг кўз олдида ошкора бажариш керак, токи кишилар бутун куч-ғайратларини сарф қилиб ишлаётганларнигина эмас, балки хўжакўрсинга, қўл учи билан ишлаётганларни ҳам билиб олсинлар, бизда шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, баъзи кишилар мажбуриятлар қабул қилинган вақтда шовқин-сурон кўтарадилар, аммо мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари тўпланган чоғда, айниқса, бу якунлар жуда ҳам кўнгилдагидек бўлмаганда индамай тураверадилар. Оқибат-натижада ғолиб чиққанларни ҳамма билади-ю, орқада қолганлар гўё йўқдек туюлади».

Андижон областида ҳам хўжалик раҳбарлари орасида ана шундай ваъдабозлар, дабдабабозлар йўқ эмас. Газета йил бошида: «у қиламиз», «бу қиламиз», деб шовқин-сурон солиб, йил охирида жимиб кетадиган мақтанчоқ раҳбарлар ҳақида танқидий чиқишлар қилса фойдали иш қилган бўларди. Афсуски, газетада танқидий материаллар борган сари камайиб кетмоқда.

Газетада «Ташаббускорлар йўқламаси», «Мусобақа — ошкоралик, қиёслаш, тажрибани такрорлаш», «Сизда мусобақа қандай уюштирилган», «Мусобақа илғорларга тенглашайлик» каби рубрикалар кўринмаяпти. «Минглар шартномаси» мусобақаси Андижонда катта анъанага эга бўлишига қарамасдан бу мавзу ҳам кун тартибидан тушиб қолмоқда. Йилнинг ўтган саккиз ойида газетада битта ҳам мусобақа саҳифаси берилмади. Оддий ишчилар, қурувчилар, механизаторлар мусобақасини ёритиш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш социалистик мусобақанинг энг олий формасидир. КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида кўрсатиб ўтилганидек, «Социалистик мусобақанинг ҳамма формаларини мана шу ҳаракат тажрибаси билан бойитиш» керак. «Коммунист» газетаси бу соҳани ёритишда ҳам оқсамоқда. Коммунистик меҳнат зарбдорлари, коллективлари тўғрисида эсда қоладиган, қизиқарли, салмоқли материаллар берилганини эслаш қийин.

Мусобақага партиявий раҳбарлик санъати ҳақида, мусобақани қизиқарли ташкил этиш ҳақида, рационализаторлар, ихтирочилар мусобақаси тўғрисида ёзилган материаллар газетада кам учрайди. Мусобақа ҳақидаги материалларда рақамлар, процентлар ва иш натижаларинигина маълум қилиш етарли эмас. Диққат-эътиборни мусобақани ташкил этишнинг жонли жараёнига қаратиш, унинг резервларини, фойдаланмаётган имкониятларни яхшироқ қидириб топишга ёрдам берувчи формаларини тарғиб қилиш зарур. Мусобақа тўғрисида чуқур ва асосли, мароқли ва илҳом билан ҳикоя қилиб бериш керак, токи, ҳар бир мақола ўз меваси берсин, самара келтирсин, ўқувчилар қалбига йўл топа олсин.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САНЪАТ БАЙРАМИ

Болгария Халқ Республикаси бадиий ҳаваскорлик ижодиётининг фестивали қардош мамлакат байрамига — Болгариядаги социалистик революциянинг 35 йиллигига бағишланди.

Кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. Я. Киселев ҳозир бўлдилар.

СССР маданият министрининг ўринбосари Т. В. Голубцова меҳмонларни фестивалнинг очилиши билан самимий табриклади.

БХР маданият комитети раисининг ўринбосари, делегация бошлиғи П. Писарев БХР ва СССР халқларининг мустаҳкам анъаналарга ва тарихий алоқаларга асосланган маданий ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланаётганини айтди. У совет кишиларининг Болгария ҳаваскорлик санъати билан учрашуви иккала халқ бузилмас дўстлигининг янги яққол саҳифаси бўлишига ишонч билдирди.

Сўнгра катта концерт бўлди. Концертда қардош мамлакатнинг энг яхши коллективлари қатнашиб, Болгария халқ ижодиётининг бутун хилма-хиллигини намойиш этдилар.

(ТАСС).

ФАРҒОНАДА КЕНГАШ-СЕМИНАР

Фарғонада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаш-семинари умумий таълим мактабларининг химия фани ўқитувчиларини кабинет системасига ўтган шароитда дарс беришга тайёрлаш масалаларини муҳокама қилишга бағишланди. Кенгашда мамлакатнинг 55 шаҳридан келган таниқли олимлар ва халқ маорифи ходимлари иштирок этдилар.

Ана шу учрашув жойи қилиб Фарғона шаҳри танланганлиги бежиз эмас, албатта. Маҳаллий педагогика институти химия фани юзасидан малакали ўқитувчилар тайёрлаш соҳасида муайян тажриба тўплаган. Институт студентлари химия бўйича республика ва Бутуниттифоқ конкурсларида, студентларнинг химияга бағишланган олимпиадаларида бир неча марта совринли ўринларни эгалладилар. Областда мавжуд етти юзта умумий таълим мактабларида 683 та химия кабинети ташкил қилинган.

Кенгаш қатнашчилари тўрт кун давомида мактабларда ва педагогика олий ўқув юртларида таълим-тарбия ишини яхшилашнинг турли жиҳатлари юзасидан етмишдан кўпроқ доклад ва ахборот тингладилар ва муҳокама қилдилар, тўпланган тажрибани ўртоқлашдилар. Улар Фарғона областидаги бир қанча мактабларда бўлдилар.

(ЎзТАГ).

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

КЎҲНА ТАРИХ САДОСИ

МИС ПУЛЛАР ҲИКОЯСИ

Улуғбек тўғрисида жуда кўп илмий ва бадиий асарлар ёзилган. Рус ва Ғарбий Европа тарихчиларининг фикрича, Улуғбекнинг илмий таланти унинг сиёсий ҳарбий маҳоратидан анчагина юксак бўлган. Айни вақтда Мирзо Улуғбек молия соҳасида ҳам етук билим ва тажрибага эга экан.

Бундан беш юз йил илгари кимдир ўзининг ортиқча мис пулларини бир ҳумчага солиб, қабристон четидаги ерга кўмиб қўйган, бироқ «тақдирнинг тақозоси» билан бу хазина ерда қолиб кетган. Шу йил июль ойида экскаватор машинисти А. П. Брик Когон районидаги Ракел посёлкасида ҳандақ қазиётганда олтмишга яқин танга топиб олиб, Бухоро область музейига топширди. Музей ходимлари у ердан беш юзга яқин чақа тўпладилар. Бу ҳумча беш юз йил олдин яшириб қўйилган ўша «хазина» эди.

Бу тангаларнинг деярли ҳаммаси Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида (1409 — 1449 йиллар) чиқарилгани маълум бўлди. Уларнинг бир неча коллекциялари тўғрисида эса фанда маълумотлар мавжуд.

Темур ва унинг ворислари ҳукмронлиги пайтида Мовараннаҳр ва Хуросонда бўлгани сингари асосий пул бирлиги (номинал) кумуш дирҳам ёки кумуш тангадан иборат эди. Кундалик чақа савдо эҳтиёжларини қондириш учун мис пул қўлланилар эди. Ўша пайтлар ким тож-у тахтни эгалласа, у янги пул чиқарар ёки эски пул белгиларига янги ёзувлар зарблаши одат эди.

1428—29 йилларда Улуғбек пул ислоҳоти ўтказгач, бутун давлат миқёсида янги мис пул чиқарилди ва ана шу вақтда аввалги пуллар қайтариб олинди. Реформани тез амалга ошириш мақсадида пул зарблаш ва эски чақаларни янгисига алмаштириш Самарқанд, Бухоро, Андижон, Тошкент ва Термизда ташкил этилди.

Улуғбекнинг пул реформаси деярли беш ярим аср ўтгач қайта кашф қилинди.

Ўрта Осиё нумизматикаси соҳасида етакчи мутахассис Е. А. Давидович Улуғбек даврига тааллуқли бир неча пул коллекцияларини синчиклаб ўрганиши натижасида 1428—29 йилларда пул ислоҳоти ўтказилган, деган хулосага келди.

Янги топилган «Когон жамғармаси» асосан Улуғбекнинг янги мис пулларидан ташкил топган. Уларнинг ташқи кўринишидаги 1420-йилда чиқарилганлардан фарқ қилади. Уларда пул чиқарилган шаҳарнинг номи кўрсатилган.

Пул реформаси асосан тугаллангач, чақа чиқариш Бухорода марказлаштирилган. Шу сабабли «Когон жамғармаси»нинг катта қисми Бухоро чақаларидан иборат. Улар орасида Самарқанд, Қарши, Термиз ва бошқа шаҳарлар пули ҳам мавжуд.

Улуғбек чиқарган янги тип тангалар унинг вафотидан кейин ҳам савдо-сотиқда қўлланилган. Бироқ, уларга янги белгилар зарб этилган, янги пул бирлиги — «донгий» жорий этилган.

Бухоро область музейида ташкил топган мис пуллар янги катта коллекциясининг фан учун аҳамияти катта, у Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий тарихини янада чуқурроқ ўрганиш учун янги илмий манбадир.

Б. ҚОЗОҚОВ,
Бухоро музейи ходими, тарих фанлари кандидати.

ҚОРАКЎЛЧИЛАР ЗАФАРИ

КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этаётган Пешку районидаги чорвадорлари зафар қучдилар. Улар она-Ватанга 28 минг 550 дона аъло сортли қоракўл тери етказиб бериб, йиллик планни бажардилар.

Бу ғалабага «Жонгелди» совхози чорвадорлари салмоқли улуш қўшдилар. Улар 12 минг ўрнига 13 минг 600 дан ортиқ сифатли қоракўл тери топшириб, йиллик планни 115 процентга адо этдилар. Шунингдек, «Ленинизм», Фрунзе номли ва Навоий номли колхоз қоракўлчилари ҳам бу соҳадаги йиллик планни 211—232 процентга уддалад, ғалаба маррасини эгаллашга муносиб ҳисса қўшдилар.

Давлатга қоракўл тери топшириш қизғин давом этмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ.
Пешку райони.

ДИЛГА ЯҚИН ҚЎШИҚЛАР

Қашқадарё областининг азамат пахтакорлари ўнинчи бел йилликнинг тўртинчи йилида 600 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Областнинг ҳамма районлари, колхоз ва совхозларида ғўза парвариши олинган юксак мажбуриятга яраша ташкил этилаётир. Пахтакорларга санъаткорлар ҳам маънавий руҳ бериб турибдилар. Улар меҳнат аҳлини дилрабо куй ва қўшиқлари билан унумли ишлашга руҳлантирмоқдалар.

Хоразм ва Андижон областлари Огаҳий ҳамда Охунбобоев номидаги ўзбек давлат музикали драма театрларининг гастроллари тугаши билан бу ерга қўшни Сурхондарё областининг Маннон Уйғур номидаги ўзбек давлат музикали драма театри артистлари келишди. Театр коллективи Ульянов, Усмон Юсупов районларининг чўққувар пахтакорларига катта программада концертлар қўйиб бермоқдалар Айниқса, театрнинг А. Номозов, А. Нарзуллаев, Ч. Чориев, Ш. Маннонова каби хушовоз хонандалари томонидан ижро этилган дилрабо қўшиқлар томошабинлар қалбидан чуқур жой олмоқда.

Ж. ЮСУПОВ.
Ульянов райони.

ЖУМБОҚНИ КИМ ЕЧАДИ?

Қўқон шаҳрининг марказидан Акбар Исломов кўчаси бошланади. Асли номи «Урганжибоғ». У шаҳарга қарайдими ёки қишлоққами, деган саволга мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳам аниқ жавоб бериша олмаса керак. Чунки у шаҳар билан қишлоқ ўртасида жойлашган бўлиб, на шаҳарга ва на қишлоққа ўхшайди. Шунинг учун бўлса керак «Урганжибоғ»да меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш талаблар даражасидан анча орқада колмоқда. Бу ерда яхшигина клуб ҳам, чойхона ҳам, сабзавот дўкони ҳам йўқ. Болалар яслиси, водопровод, телефон, табиий газ ҳақида гапирилмаса ҳам бўлади. Лоақал, баллонли газни вақтида тарқатишмайди. Шаҳар марказидан кўчамизгача уч километр. Шаҳар чеккасидан бироз юрсангиз, керосин базасига дуч келасиз. Шу ергача телефон симлари ўтказилган, водопровод қувурлари ҳам ётқизилган. Айтишларича, «Урганжибоғ»нинг шу базагача бўлган территорияси шаҳар-у, қолган қисми қишлоқ эмиш. Шунақаси ҳам бўладими? Яхшимки, кўчамизда мактаб ёнида водопровод бор. Еш-у кекса қишин-ёзин ана шу ерга қатнайди.

Мазкур кўчанинг икки томонидан ариқ ўтган. Биридан сув оқади, бири сувсиз. Иккинчи ариқнинг ичига қарасангиз, кўнглингиз беҳузур бўлади, чунки у қаровсизликдан доим ифлос бўлиб ётади.

Фикримизча, юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мумкин. Бироқ, буни қайси ташкилот ўз зиммасига оларкин. Қўқон шаҳар ижроия комитетими ёки Фрунзе район ижроия комитетими? Бу жумбоқни ечишда Фарғона область ижроия комитети кўмаклашса кўнгилдагидек иш бўларди.

Н. ЭРГАШХЎЖАЕВА.

ЯНГИ ҲОСИЛДАН ТОЛА

ТЕРМИЗ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Шеробод пахта тозалаш заводи коллективи бу йилги мавсум бошидан бери 1000 тоннадан зиёд пахта, шу жумладан, 180 тоннага яқин ипак пахта қабул қилди. Завод ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқарилганлиги туфайли қабул қилинган янги ҳосилдан пешма-пеш тола ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозиргача юқори сифатли 210 тонна тола ишлаб чиқариб бунинг 150 тоннага яқини Иттифоқимиздаги тўқимачилик комбинатларига жўнатилди.

Комсомол аъзоси М. Сунатов бошлиқ толачилар бригадаси аъзолари тўрт кунда янги ҳосилдан пландаги 72 тонна ўрнига 85 тонна аъло сифатли тола ишлаб чиқардилар. Завод маъмурияти ва партия ташкилоти бу илғор коллективни 100 сўм пул ва кўчма вимпел билан мукофотлади.

А. ХАЛИЛОВ.

Кардиологиянинг актуал масалаларига бағишланган тўртинчи Совет — Америка симпозиуми Тошкентда ўз ишини давом эттирмоқда. Бу йилгинда ҳар икки мамлакатнинг таниқли олимлари докладлар билан чиқадилар, медицина фанининг энг муҳим масалалари юзасидан ўзаро фикрлашиб оладилар. Суратда: симпозиум қатнашчиларидан бир группаси.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ).

КЎП НУСХАДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришининг танланган нутқлари ва мақолалари тўплами босмадан чиқди.

Материалларнинг асосий қисми Москва шаҳар партия ташкилотининг партия XXIII, XXIV ва XXV съездлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ҳамда тавсияларини бажариш борасида олиб борган ҳар томонлама иш тажрибасини умумлаштиради. Китобда партия ўртага қўйган вазифа — Москвани намунали коммунистик шаҳарга айлантириш вазифасини бажаришнинг назарий ва амалий масалалари ишлаб чиқилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этган.

(ТАСС).

1979 ЙИЛ—ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚА

ЁЗУВЧИ ВА ҲАЁТ

Сочи шаҳрида жаннатдек гўзал боғ бор. Бу боққа жаҳоннинг етти иқлими жо бўлган. Тасвирлаш ниҳоятда қийин бўлган муаттар ҳидли чой гулидан тортиб, 25 йилда бир марта гуллайдиган кактусгача, шамшод дарахтидан тортиб Ҳиндистон пальмасигача — ҳаммаси шу ерда. Айниқса, магнолия дарахти биринчи марта кўрган одамни ҳайратга солади. Тўқ яшил япроқлар орасида чиини косадек оппоқ гуллар ярақлаб туради. Гўё кимдир атайлаб дарахт шохларига чироқ илиб қўйгандек. Магнолия гулини тўйиб ҳидласангиз, маст қилиб қўяди. Зумраддек ярақлаб турган озода ўтлоқларда товуслар таманно билан кезиб, орасира қийқириб қўйишади. Ҳар сафар Сочига борсам мана шу боғда айланиб, ҳаёл суришни яхши кўраман.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Боғни айланиб юриб бир чеккадаги скамейкага бориб ўтирдим. Бироздан кейин калта шим — шорт кийган озғин, баланд бўйли, малла соч бир киши ёнимга келиб ўтирди. Унинг туриш-турмуши чет эллик эканлигини айтиб турарди. Иккаламиз анчагача жим ўтирдик. Ниҳоят у хиёл бузилган рус тилида сўради:

— Сиз осиёликмисиз?

— Осиё катта тушунча, — дедим кулиб. — Мен Тошкентданман.

— О, Самарқанд! — ҳамсуҳбатим қўлларини кенг ёйиб хитоб қилди. — Ўтган йили борган эдим. Ажойиб шаҳар.

— Ўзингиз қаердансиз?

— Нидерландиядан. — У бир зум ўйланиб турди-да, қўшиб қўйди. — Сизларда яхши шаҳарлар кўп. Лекин барибир Осиё-Осиёлигича боради. Кўп жойлар ифлос.

— Буниси энди, ким нимани излашига боғлиқ, — дедим яна кулиб. — Қолаверса, Самарқанд Европада эмас, Осиёда.

Ҳамсуҳбатим анчагача индамай ўтирди. Кейин тўсатдан сўради:

— Сизларда бола кўпайтиришни яхши кўришади-а?

— Бизда умуман, болани яхши кўришади. Ўзбекистонда 60 минг Қаҳрамон она бор.

Меҳмоннинг кўзи олайиб кетди.

— О, Биби Марям! Қандоқ даҳшат!

Ҳайрон бўлдим:

— Нимаси даҳшат?

— Ахир бу маданий савиянинг чекланганлигидан дарак беради-ку!

— Бунинг нимаси маданиятсизлик? — дедим унинг кўзига тикилиб.

— Кўринишдан маданий одамга ўхшайсиз-у, барибир осиёча фикрлайсиз. — Ҳамсуҳбатим кескин қўл силтади. — Ўзингиз ўйланг, ўнта боланинг нима кераги бор! Болаларни яхши едириб-ичириш керак, яхши кийинтириш керак, келажагини таъминлаш керак... Эҳ-ҳе!

— Бизда кўп болали оилаларга давлат ёрдам беради. Яслидан тортиб институтни битиргунча болага ҳамма шароит яратиб берилган.

— Қўйсангиз-чи! — Меҳмон қўл силтади. — Икки хонали каталакда бешта болани ўстириб кўринг-чи!

— Рост, уй-жой проблемаси бизнинг шаҳарларда ҳам бор, — дедим тасдиқлаб. — Лекин бу ҳал бўлмайдиган масала эмас.

— Барибир. — Меҳмон бош чайқади. — Ўнта бахтсиз болага ҳаёт бағишлагандан кўра битта бахтли болани тарбиялаган яхши-да.

— Бу борада иккаламиз келишолмайдиганга ўхшаймиз, — дедим мийғимда кулиб. — Масалан, мен кўп болали оилалардан ёмон одам чиққанини эслай олмайман.

— Хотинчи-хотин!— Ҳамроҳим яна хитоб қилди. — Ўнта болани туққунча хотин нимага айланади?

— Қизиқсиз, она учун боладан азиз дунёда нима бор! Ё сизлардаги аёлларга ўхшаб боласини сунъий сут билан улғайтирсинми?

Ҳамсуҳбатим қўл силтади.

— Аввало менинг болам йўқ. Қолаверса, сиз яна оснёча фикрлаясиз. Ўзларинг дам оласизлар, хотин бола боқади. Бу нима, феодализм эмасми?

— Сиз доим хотинингиз билан дам оласизми? — деб сўрадим.

Ҳамсуҳбатим елкасини қисди.

— Нега энди? У мустақил одам. Бир йил мобайнида бир-биримизнинг кўнглимизга урганмиз. Ҳозир у Филиппинда дам оляпти. Хоҳлаганча ўйнаб-кулсин, хоҳлаган одами билан дам олсин. Ана ўшанда бир-биримизни соғиниб қоламиз. Бу ҳам шахс эркинлигининг бир белгиси бўлади!

Кулиб юбордим:

— Тушундим. Узр, сизнинг хотинингиз қанақалигини билмайман-у, лекин менимча, ҳақиқий аёл учун сиз айтган ўйин-кулгидан кўра бола боқиш лаззатлироқ бўлса керак.

Ҳамсуҳбатимнинг жаҳли чиқиб кетади, деб ўйлаган эдим. Йўқ, шимолликларга хос хотиржамлик билан кулиб қўйди.

— Демак, сизнингча аёлнинг биринчи галдаги вазифаси — бола тарбиялаш. Ўйнаб-кулиш, томошалар кўриш, саёҳат қилиш, бир сўз билан айтганда: яшаш — иккинчи даражали вазифа. Шунақами?

— Мана энди масаланинг моҳиятига яқинлашдик, — дедим иложи борича хотиржам гапиришга уриниб. — Аввало **яшаш** деган сўзни **бола тарбиялаш** деган сўзга қарши қўйиб бўлмайди. Иккинчидан, сиз болани кўпайтириш керак эмас, деганингизда болангизнинг келажагини эмас, ўзингизнинг ҳузур-ҳаловатингизни кўпроқ ўйлаяпсиз. Бунинг оти манфаатпарастлик деб аталади. Кечираси-з, бунақа эгоист бўлгандан кўра, сиз айтгандек: «маданиятсиз» бўлган яхшироқ.

Иккаламиз узоқ жимиб қолдик.

— Бўпти! — деди ниҳоят суҳбатдошим қўлини чўзиб. — Ким бўлишингиздан қатъий назар, ўз юртингизнинг ватанпарвари экансиз. Фикрингизни ҳар томонлама исботлашга уриняпсиз... — У кипояли кулиб қўйди. — Атрофингизда ўралашган катта-кичик болаларингизга салом айтинг.

Мен ҳам кулдим.

— Сиз эса ўз юртингизнинг ватанпарвари эмас экансиз. Статистлар Нидерландияда туғилиш камайиб кетаётганини айтиб кўп азият чекишяпти. Эр-хотин бир бўлиб ўзингиздан ҳеч бўлмаса иккита бола қолдирсангиз ёмон бўлмасди.— Нарироққа борганда унинг отган тошини ўзига қайтардим. — Айтгандек, хотинингизнинг янги «дўсти»га салом айтиб қўйинг.

У ҳеч нима бўлмагандек бошини силкитиб таъзим қилди-да, жўнаб қолди.

Ўша суҳбатдан кейин кўп нарсаларни ўйладим. Нима учун бизнинг халқимиз болани жонидан яхши кўради? Бу нима? Маданиятсизлик белгисими? Наҳотки, минг йиллардан буён қўша-қўша бола тарбиялаб келган, ўғил-қизларининг бошида парвона бўлган ота-оналаримиз ноҳақ бўлса? Наҳотки, нидерландиялик жаноб айтганидек, ўнта «бахтсиз» болани тарбиялашдан кўра битта «бахтли» болани тарбиялаш яхшироқ бўлса?

Ўшанда мен ҳамсуҳбатимга бир савол беролмай қолганимга кейинчалик жуда афсусландим. Ғарбий Европа мамлакатларида, жумладан, Нидерландияда наша чекиб, жиноят қилаётган ёшлар кўп болали оиладан чиққан эмасдир? Бу мамлакатлардаги аксарият оилаларда нари борса битта-иккита бола тарбияланади-ку. Демак, гап боланинг сонида эмас экан-да!

Шундан кейин ўзимиздаги кўп болали оилалар билан астойдил қизиқиб қолдим. Тўғриси, ўзим ҳам аввалига ўнта болали уй қарқалаб ивирсиб ётса керак, шунча болани тарбиялаш осон бўлмаса керак, деб ўйлар эдим. Лекин қайси кўп болали оилага кирмай, ҳаммасида қандайдир тартиб, яна энг муҳими, кўз илғамас тотувлик борлигига амин бўлдим.

Тошкент шаҳридаги Ҳасановлар оиласида 13 бола бор. Расул ака «Ташсельмаш» заводида ишлай бошлаганига 30 йилдан ошди. Қаҳрамон она Хатира ая 13 бола, 52 неварага бош-қош. Оиланинг тўнғич қизи Ҳадича опа чевар. Аҳрор-қурувчи, Аброр билан Асқар шофёр. Маърифат билан Маъмура шифокор. Баҳром — темирйўлчи. Ғофуржон заргарлик заводида ишлайди. Акмал — иқтисодчи. Мансура ўқияпти. Бу оилада бирон боланинг бирон марта чакки қадам босиб, дакки эшитганини биров эслай олмайди. Хўш, бунинг боиси нима? Нидерландиялик жаноб битта бола кўришдан лабига учуқ тошиб турганида оддий бир ўзбек ишчиси шунча болани қандоқ тарбиялаяпти. Яқинроқдан қараганда одам бу оиладаги катта-кичик болаларнинг ҳаммаси ҳавойи орзулар билан эмас, ҳалоллик руҳида, камтарлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбия топганига гувоҳ бўлади. Акалар укаларига, опалар сингилларига гамхўр бўлиб ўсишган. Эҳтимол, оиладаги меҳрибон кайфият, бошқачароқ айтадиган бўлсак, коллективизм руҳи мана шундан келиб чиққандир!

Бухоро область Навоий районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси Мавлон Нурназаровлар оиласида ҳам 13 фарзанд бор. Тўнғич қизи Бибихол колхозда ишлайди. Ўзи ҳам бир этак боланинг онаси. Сингиллари Умида — шифокор. Ҳожар — ўқитувчи. Мирзақул Самарқанд Давлат университетини битириб, ўзи ўқиган 16-мактабда дарс берянти. Қолган кичкинтойлар мактабда илм олишади. Бу оилада ҳам болалар одобли бўлиб ўсишяпти. Оила аъзоларидан бунинг сирини сўраганимда шундай жавоб беришди.

— Ўнта бўлса ўрни бошқа! Минг марта шукур, биронта боламиз ҳозирча бизга лаънат эшиттиргани йўқ. Эшиттирмаса ҳам керак. Кимнинг қанақа қадам босаётгани кафтдек кўриниб туради. Бирон боламиз айб қилса-ю биз кўрмай қолсак, бошқа кўрганлар дашном беради. Шу билан қарабсизки, олам гулистон!

Соддагина қилиб айтилган шу гапда улкан ҳақиқат ёшириниб бўлса ажаб эмас. Нидерландиялик ҳамсуҳбатимнинг ўзи ҳам, унга ўхшаш ота-онанинг боласи ҳам ўзи учун яшайди. У қўшни — бу қўшнини танимайди. Бунақа муҳитда ўнта бола ўстириш ўнта бўри ўстиришдек гап бўлса ажаб эмас. Пайти келиб ота ўз ўғлининг, она ўз қизининг ўзига рақиб бўлиб қолишидан чўчиб турса ажаб эмас. Нурназаровларнинг ўн уч боласига эса етти маҳалла хўжайин. Ҳамма бир-биринг боласини ўз боласидек севади, ўз боласидек тергайди. Агар шу билан ўша европалик меҳмон айтгандек шахс эркинлиги шикаст топса, топа қолсин! Онанинг бола учун, унинг бахти учун ўз ҳаловатидан кечиши шахс эркинлигининг чекланиши бўлса, бўла қолсин! Инсоний комилки, ўз қадрини билган ўзбек онаси, совет онаси шахсий ҳаловати деб оналик муруввватидан кечмайди. Аммо халқимиздаги болажонлик шунчаки тирик организмга хос бўлган табиий эҳтиёжнинг ўзидангина иборат эмас. Бу жиҳатдан қараганда товуқ ҳам жўжаси адашиб қолса қақоғлайди. Бизнинг халқимиз болани яхши кўриш деганда аввало уни яхши одам қилиб тарбиялашни назарда тутади. Эл ишига, юрт ишига, Ватан ишига содиқ инсон етиштиришни назарда тутади. Инсоф билан айтганда, яккаёлғиз ўсган болалар орасида манфаатпарастлар, ўзини ҳаммадан устун деб билувчилар чиқиши мумкин. Лекин кўп болали оилалардан ёмон бола камдан-кам чиқади. Негаки, бунақа оилада тантиқлик учун, эгоистлик учун шароит қолмайди. Ҳамма бир-бирини ҳурмат қилиши лозимлигини, ота-онасини қадрлаши кераклигини ҳис этади.

Албатта, нидерландиялик жаноб айтганидек, ота билан она ўзи учун яшаса, ота саёҳатлар қилишни, ресторанларда юришни асосий мақсад деб билса, она қомати бузилишидан қўрқиб бола кўрмаса, ғўдак исидан кўра сатанг сайлларни устунроқ деб билса, бунақа оилада фарзандга эҳтиёж ҳам, меҳр ҳам қолмайди. Шу боисдан кўпдаб Ғарбий Европа мамлакатларида боланинг кам туғилиши миллий фожиага айланиб қолмоқда. Соцнологлар туғилиш шу ҳолда камайиб кетаверадиган бўлса, бутун-бутун миллатлар йўқолиб кетишиш ташвишланиб гапиришяпти. Бу нарса ўша меҳмон айтганидек, маданий савиянинг юксаклигидан эмас, аксинча, савиянинг ғовлаб кетганидан дарак бермасмикан? Бу масалада ҳар ким ўз фикрида қолиши мумкин. Фақат шуни айтмоқчиманки, жамиятга яхши инсон етказиб беришни қаҳрамонлик, деб биладиган болажон халқимиз, ғўдак исини ҳамма нарсадан устун қўядиган, садоқатни жасорат эмас, оддий инсоний хусусият деб биладиган оиларимиз, серфарзандликни ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган, болалар учун ҳамма шароитни яратиб берган тузумимиз бор экан, биз бунга шукроналар айтсак арзийди.

Уткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ЁШ МЕХАНИЗАТОРЛАР СЛЁТИ

РИШТОН. (Фарғона области). (ЎзТАГ). «Зангори кемалар» пахтаэрларга чиқиши олдидан Риштон районидаги Навоий номли совхозда ёш механизаторларнинг область слёти бўлиб ўтди. Улар ҳосилни машинада теришга тайёрлиги, ҳосилнинг боришини ва беш йиллиқнинг тўртинчи йили учун олинган социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидаги вазифаларни муҳокама қилдилар. Слётда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров нутқ сўзлади.

Бу йилги мавсумда Фарғона пахта далаларида 288 та йиғим-терим-транспорт отрядларига бирлашган икки мингдан ортиқ «зангори кема» ишлайди. Слёт қатнашчилари областдаги барча механизаторларга мурожаат қабул қилдилар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОНДА МИТИНГ

АДДИС-АБЕБА, (ТАСС). Бу ерда Эфиопия пойтахтининг марказий кўчаларидан бирига В. И. Ленин номи қўйилганлигига бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгашининг ва Министрлар Кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам, МҲМК доимий комитетининг аъзолари, министрлар, жамоатчилик вакиллари, меҳнаткашлар шу ерга келдилар.

Аддис-Абеба шаҳар советининг раиси ва шаҳар мэри Алему Абебе митингни очиш вақтида бундай деди: Эфиопия революцияси ўзининг олга томон қилаётган ҳаракатида марксизм-ленинизм таълимотига, улуғ Ленин ғояларига изчиллик билан амал қилмоқда. Шу сабабли, деди у, пойтахтнинг шаҳар маъмурлари шаҳар майдонларидан бирига В. И. Ленининг номини қўйишга қарор қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин митингда сўзга чиқиб, дунёнинг ҳамма қитъаларида, барча революционерлар ва халқ бахт-саодати йўлидаги курашчилар учун Ленин сиймоси меҳнаткашларни социал ва миллий зулмдан халос қилиш ишига, меҳнат аҳлини озодлик ва инсон қадр-қиммати учун дунёни революцион тарзда ўзгартириш учун курашга бирлаштириш ишида астойдил садоқат рамзи бўлиб қолди.

Ҳозир Ленининг ворислари беҳисоб, деди сўзини давом эттириб, Совет ҳукуматининг бошлиги. Улар ҳозирги дунёнинг энг қудратли кучи бўлиб қолдилар. Ленин Ватани — Совет Иттифоқининг ва барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқлари, дунёдаги революцион ва озодлик ҳаракатлари сафларидаги миллион-миллион кишилар, тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларнинг меҳнаткашлари, барча мамлакатлардаги илғор кишилар шулар жумласига киради.

Революцион Эфиопия пойтахтининг марказида Ленин номи билан аталган шу майдон бу ерга келган ҳамма кишиларга Ленининг порлоқ келажак учун, халқлар ўртасида тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари интернационал қардошлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги васиятини доимо эслатиб турсин, деди сўзининг охирида А. Н. Косигин.

Шу куни Менгисту Хайле Мариам ва А. Н. Косигин ўртоқлар Эфиопия қуролли кучларига бағишланган виставканинг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар.

Никарагуа учун тинч кунлар бошланди. Мамлакат халқлари олдида миллий экономикани тиклашнинг катта вазифалари турибди. Суратда: манагуаликлар газетада эълон қилинган революцион ҳукуматнинг тинч қурилиш соҳасидаги дастлабки тадбирларини қувонч билан ўқимоқдалар.

АДН—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ХАНОЙ. Вьетнамдаги Фухань вилоятининг аҳолиси Стингтраенг вилоятидаги ўзларининг кампучиялик қардошларига шошилинч ёрдам моллари совға қилиб юборди. Юк ортилган машиналарнинг дастлабки карвонлари Нячанг шаҳридан йўлга чиқди. Кампучияга бир неча тонна ураглик дон, шоли ва бошқа маҳсулотлар, шунингдек, биродарлашган вилоят аҳолисига ишлаб чиқаришни тез йўлга қўйишда ва ҳаётни нормаллаштиришга кўмаклашиши лозим бўлган энг зарур буюмлар етказиб берилади.

✦ ЛОНДОН. ХХР ҳарбий денгиз кучлари қўмондонининг ўринбосари Лю Даошэн бошчилигидаги Хитой ҳарбий делегацияси Англияда турибди. Бу делегациянинг Буюк Британияга визити Англия ҳарбий денгиз кучлари техникасининг Портсмутда ташкил қилинган кўргазмаси билан боғлиқ. Газеталарнинг ёзишича, Хитой делегацияси газ турбина двигателларига ва электрон ускуналарга ғоят қизиқиб қарамоқда.

✦ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон нефть корпорацияси ишчи ва хизматчиларидан 13 минг киши умуммиллий забастовка эълон қилди. Иш ташловчилар иш ҳақи минимумининг оширилишини, меҳнат ва турмуш шароитларининг яхшиланишини, коллектив шартномаларга қатъий риоя этилишини, ҳақ тўланадиган отпускалар ва имтиёзли нафақалар жорий қилинишини, касаба союзларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилишини талаб қилмоқдалар.

✦ ДОРУС-САЛОМ. Танзанияда анъанавий «Билимларни ёйиш» ҳафталиги зўр муваффақият билан ўтмоқда.

Мамлакат миллий маориф министри М. Куханга шу муносабат билан нутқ сўзлаб, республикада саводсизликни тугатиш юзасидан докмо иш олиб борилаётганлигини таъкидлади. 1970 йилдан буён катта ёшдаги кишиларга савод ўргатиш кампанияси ўтказилмоқда. Шу даврнинг ичида, деди министр, 2 миллионга яқин киши ўқиш ва ёзишни ўрганди. (ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Социалистик Эфиопия шу кунларда миллий-демократик революциянинг беш йиллигини нишонламоқда. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг Эфиопияга қилган расмий дўстона визити Совет — Эфиопия муносабатлари тарихида муҳим босқич бўлиб қолди.

Африканинг социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган ана шу қадимий давлат эндиликда империализмга қарши, қитъада мустамлакачилик ва ирқчилик ўчоқларини тамомила ва узил-кесил тугатиш учун, бутун жаҳонда тинчлик ва тараққиёт учун курашаётган Африка халқларининг олдинги сафларида бормоқда. А. Н. Косигин 12 сентябрь куни Аддис-Абебада сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Шу йиллар ичида Эфиопияда рўй берган ўзгаришларнинг аҳамияти шундаки, бу ўзгаришлар кейинги беш йилликни халқ ҳаётидаги тарихий босқичга айлантиради. Бу — ўтган баъзи асрларга нисбатан каттароқ босқичдир». Эфиопияда амалга оширилган чуқур социал-иқтисодий ўзгартишлар жаҳонни революцион тарзда янгиланишга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Бу визит ва визит давомида олиб борилган музокаралар икки мамлакатнинг қардошларча бирдамлигини, Совет — Эфиопия муносабатларининг самарали ва ҳар томонлама характерга эга эканлигини намойиш қилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши ва Министрлар Кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам ўтган йилнинг ноябрь ойида Москвада имзолаган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бу муносабатларнинг мустаҳкам негизидир. А. Н. Косигиннинг визити вақтида таъкидлаб ўтилганидек, икки халқнинг чин орзу-тилакларини ифода этувчи бу ҳужжат Африкада тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Совет ҳукумати бошлиғининг самимий кутиб олинганлиги, Эфиопия диёридаги учрашувлар ва музокаралар икки мамлакат ва икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг анъанавий ришталари мустаҳкамланиб бораётганлигини яққол исбот этади. Томонлар ҳамкорлик тўғрисидаги Совет — Эфиопия битимлари иқтисодий, илмий-техникавий, савдо-сотиқ соҳасида ва бошқа соҳаларда бажарилаётганлигига ижобий баҳо бердилар ва бу ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг конкрет йўлларини белгиладилар.

Бу ҳамкорлик юксак даражага кўтарилганлиги шак-шубҳасиздир. Эфиопияда СССРнинг кўмаги билан бир қанча муҳим халқ хўжалик объектларини қуриш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Совет Иттифоқи билан Эфиопия ўртасида савдо-сотиқ ҳажми 1976 йилдан тортиб 1978 йилгача 18,5 баравар ортди. Жумладан, Баҳр-Дарда СССРнинг ёрдами билан қурилган политехника институтини, Аддис-Абебадаги совет касалхонасини эфиоплар дўстлик маёқлари деб атайдилар. Эфиопияда Совет Иттифоқининг юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ёрдамини ғоят қадрламоқдалар. Эфиопия студентлари ва аспирантларидан 1300 га яқин киши СССРда ўқимоқда.

Визит вақтида имзоланган қўшма ҳужжатларда ҳар икки давлат барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва тараққиёт учун, эски ва янги мустамлакачиликни ҳамда ирқчиликни тугатиш учун курашни давом эттиришга қатъий аҳд қилганлиги таъкидлаб ўтилади.

ЯНГИ МУСТАМЛАКАЧИЛАРНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Лондонда Родезия масаласи юзасидан «Конституцион конференция» давом этмоқда. Бу конференция Буюк Британиянинг ташаббуси билан чақирилди. Конференцияда Англия делегацияси билан бир қаторда Зимбабве ватанпарварлар фронтининг раҳбарлари Ж. Нкомо ва Р. Мугабе, шунингдек мамлакатдаги ҳозирги қўғирчоқ ҳукуматнинг бошлиғи руҳоний А. Музорева ва Родезиянинг собиқ бош министри, ҳозирги пайтда эса мансабсиз министр ролини бажараётган Я. Смит қатнашмоқда.

Зимбабве ватанпарварлар фронтининг раҳбарлари аниқ ва асослаб берилган талаблар билан Темза соҳилига келишди. Бу талабларни амалга ошириш Родезия проблемасини чинакам ҳалэтишнинг бирдан-бир тўғри усулидир. Ж. Нкомо таъкидлаб ўтганидек, бу конференцияда асосий эътибор конституцияга киритиладиган ғоятишларни ишлаб чиқиш, Родезия (Зимбабве)да бутун ҳокимиятни африкаликлар қўпчилиги қўлига топшириш масалаларига ва ҳозир мамлакатни қамраб олган уруш сабабларини шу йўл билан йўқотишга қаратилиши лозим. Ватанпарварлар фронтининг делегатлари Зимбабве ватанпарварлар фронтининг асосий талабларидан бири — ирқчи ҳарбий-полиция аппаратини тарқатиб юбориш ва озодлик кучлари негизида ҳарбий-миллий гвардия ташкилотини ташкиллаштириш ва ишга тушириш тўғрисидаги талабни амалга ошириш Родезия можаросини чинакам бартараф қилишнинг зарур шарти бўлиб қолиши керак, деб уқтириб ўтдилар.

Аммо конференциянинг бораши инглиз томони ишкинчи даражадаги масалаларни биринчи ўринга қўйиб, ана шу талаблардан бўйин товлашга уринаётганлигини кўрсатмоқда. Бу юк Британия бу билан Родезия проблемасини шу тарзда «ҳал этиш»га интилмоқдаки, натижада Африкликнинг жанубида Ғарбнинг манфаатларини қўриқлаётган Музорева — Смит қўл остидаги янги мустамлакачилик режимини тан олиш таъминланиши керак.

Родезия қўшинларининг бирлашган операциялари қўмондони генерал П. Уоллс Зимбабве ватанпарварлар фронти ва уни қўллаб-қувватлаётган Африка мамлакатларига сурбетларча таҳдид қилди ва Лондон конференцияси вақтида ҳам «армиянинг ҳаракатларини асло чекламаслик» ниятида эканлигини айтди. Африка матбуоти ирқчиларнинг яқинда Мозамбик, Замбия ва Ботсванага қарши қуролли игвогарлиги каби унинг шу гаплари ҳам Солсбери сурбетларча дўқ қилиш йўли билан фронт яқинидаги давлатларни Зимбабве ватанпарварлар фронтини қўллаб-қувватлашдан воз кечишга мажбур қилиш ва бу фронтни яккалаб қўйишга эришиш йўлидаги уринишлардан далолат бериб турибди, деб ҳисоблайди.

Шу тариқа ҳамма фактлар конференциянинг инглиз ташкилотчилари ҳам, Родезиянинг қўғирчоқ «раҳбарлари» ҳам конференцияда Зимбабве ватанпарварлар фронтини ноқулай шароитларга дучор қилиб, ватанпарварларни конференцияда қатнашишдан воз кечишга мажбур қилмоқчи бўладилар ва музокараларнинг барбод бўлганлиги учун бутун айбни улар зиммасига юклашга уриниб кўрадилар. Бу — яроқсиз воситалар ёрдамида қилинган найрангдир. Бу найранг Африка давлатларини, тараққийпарвар жаҳон жамоатчилигини чалғита олмайди. Ирқчилар ва уларнинг Лондон ҳамда Вашингтондаги ҳомийлари Родезия проблемасининг ҳал этилмай қолиши учун айбдор эканликлари аёндир.

В. КОРОЧАНЦЕВ,
С. КУЛИК.
(ТАСС).

АРАБ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАЗЙИҚ

ҚУВАЙТ, (ТАСС). Баҳрайн ахборот министри Тариқ ал-Муайёқ Ғарбнинг Форс кўрфази ҳавзасидаги давлатлар ишига аралашиш йўлидаги уринишларини кескин танқид қилди. Баҳрайндаги Манама шаҳридан олинган хабарларга кўра, министр бундай деган: Лондон страхование компаниялари Форс кўрфазидан ўтадиган танкерлар ва супертанкерлар учун тарифларни кўпайтирганлиги, шу рейонга қурол-яроғларни етказиб бермоқчи эканлиги. Форс кўрфази зонасига «махсус кучлар» юбориш билан дўқ қилиняётганлиги араб мамлакатларига таҳдиқ ўтказиш йўлида келишиб олинган кампаниядан бошқа нарса эмас. Биз Форс кўрфази районида беқарор вазият вужудга келишидан мутлақо манфаатдор эмаслигимизни Ғарб тушуниб олиши лозим эди, деди министр. Бундай аҳволнинг вужудга келиши, аввало араб давлатларининг ўзи учун ҳалокатли бўлур эди.

Ахборот министри шу ойнинг охирида Форс кўрфази зонасидаги араб давлатлари ҳукумат бошлиқларининг кенгаши ўтказилишини, бу кенгаш сиёсий вазиятни ўрганиб чиқиб, шу райондаги араб мамлакатларининг хавфсизлигини таъминлаш масаласида умумий бир позицияни ишлаб чиқишини айтди.

МЕҲНАТКАШЛАР НАЗОРАТИ ОСТИДА

КОБУЛ, 14 сентябрь. (ТАСС). «Кабул таймс» газетаси афғон матбуотининг вазифаларига бағишланган мақоласида бундай деб ёзади: Апрель революциясидан кейин Афғонистон оммавий ахбороти барча воситалари меҳнаткашлар назорати остига ўтди.

Мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилганидан кейин асосий миллатлар тилида янги вақтли нашрлар пайдо бўлди, газета ва журналларнинг тиражи анча кўпайди. Афғонистон матбуоти халқ душманларини фош қилмоқда, эски феодал маданиятни емириб ташлашда қатнашмоқда, барча миллат намояндаларининг истеъдод эгаларини аниқлаб, уларни камол топтиришга ёрдам бермоқда.

Мақолада оммавий ахборот воситаларининг ходимлари ўзларининг бутун куч, истеъдод ва маҳоратларини маданий революцияни ривожлантиришга, идеология ишида актив қатнашишга, хурофот, реакцион қарашлар ва урф-одатларга қарши кескин кураш олиб боришга қаратишларига даъват этувчи гаплар баён этилган. Матбуот ходимлари, деб таъкидлайди «Кабул таймс» газетаси, ҳар бир сўзидан, адабий асардан меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида, яшнаб турган Афғонистонни барпо этиш манфаатлари йўлида қандай қилиб ғоят самарали фойдаланиш кераклигини билишлари лозим.

АМЕРИКА ПРЕЗИДЕНТИГА ХАТ

Ливанда чиқадиган «Айка» газетаси редакциясига ўн тўрт ёшли фаластинлик боладан хат келди. У бу хатни АҚШ президенти Ж. Картерга юборишларини илтимос қилибди. Хат газетада босилди. Мана, унинг мазмуни:

«Жаноб президент!

Айтишларга қараганда, Исроилга қурол бераётган одам сиз экансиз. Ана шу қурол ёрдамида фаластинликларни ўз юртларига қўйишмаяпти, уларни лагерларда ўлдиришяпти. Нима учун? Мен шуни билишни истайман.

Ота-онамнинг айтишига кўра, сизни яна президент қилиб сайлашлари учун шундай қилаётган экансиз. Лекин мен ишонмайман. Ахир, одам бунчалик бағритош бўлиши мумкин эмас. Мен сизнинг суратингизни кўрганман. Унда сиз ҳеч ҳам ёвузга ўхшамайсиз. Мен кўплаб америкаликларни ҳам кўрганман, улар яхши одамлар, ўзларининг бошликлари қандайдир қотил бўлишини хоҳлайдиган одамларга асло ўхшамайдилар.

Мен бу ҳақда бувам билан гаплашган эдим, у айтдики, сизникига ўхшаш катта лавозимдаги кишилар иксон тақдири ҳақида сира ўйламайдилар. Агар ўз мақсадлари йўлида ниманидир қурбон қилиш керак экан, гарчи бу қурбон одамлар бўлса ҳам, улар ҳеч ўйлемай-нетмай шундай қилаверадилар.

Мен бунга ҳам ишонмайман. Менимча, сиз инсон ҳаётини қадрлашингиз керак. Ахир, сиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиляпсиз-ку!! Биз эса фақат ўз уйимиз бўлишини истаймиз. Бизнинг уйимиз Фаластинда. Бизни у ердан ҳайдаб юборишди, энди эса қайтиб боришга қўйишмаяпти. Сизнингча, биз энди нима қилишимиз керак?

Сиз фаластинликлар партизанлик ҳужумларини тўхтатишларини хоҳлар эмишсиз, деб эшитдим. Лекин мен шуни яхши биламанки, Исроил бизга ҳужум қилишни тўхтатса, ҳар бир фаластинлик ҳам бундан воз кечган бўлар эди. Бироқ, Исроил бизга қарши урушни бир соат ҳам, бир минут ҳам тўхтатмаётир. У бу урушни фақат бизнинг лагерларимизга ҳаводан ҳужум қилиш, тўплардан ўққа тутиш билангина олиб бораётгани йўқ, у бизга ягона бир нарсани — еримизни қайтариб беришдан ҳам бош тортяпти. Биз фақат шу ернигина ўзимизникиди, деб айта оламиз ва унда фахр билан яшай оламиз. Агар сиз бунга тушунмасангиз, келинг, бизлар билан бирор ой яшаб кўринг, шунда ҳаммасига тушунасиз.

Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси сиз бизларнинг проблемаларимизни билмаслигингиз туфайли бўлаётгандир. Шундайлигига аминман. Бўлмаса, мен сиз ҳақингизда айтилаётган барча гапларга ишонишим керак».

... Бу хат тагига Ливаннинг жанубидаги лагерларда яшаётган ўн мингдаб фаластинлик болалардан ҳар бири имзо қўйиши мумкин. Чунки, исроиллик учувчилар бошқараётган АҚШ самолётлари ана шу лагерларни ҳар куни аёвсиз бомбардимон қилмоқдалар.

(АПН).



Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ижодий фонди тажрибали ижодий комбинатининг рассомлари ва кулолчилари 40 хилга яқин турли кулолчилик буюмларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Улар томонидан ишлаб чиқилаётган лаган, пиёла, чойнак, гулдоилар ва бошқа буюмлар гоятда харидоргир бўлмоқда. Бундан ташқари улар кўпдан-кўп совға буюмлари ҳам тайёрламоқдалар. Суратда: комбинат ишчиси КПСС аъзоси Зоир Акрамов. У корхонада 27 йилдан бери ишлаб келмоқда. Пастдаги суратда эса Тошкентдаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси Мунира Абдуллаева акс эттирилган. У болалар кийимларини тикишда ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлаётир. Топшириқни 130 процентга етказиб адо этмоқда.

И. Глауберзон фотолари.

СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

ЯГОНА ЙЎЛЛАНМА

Самарқандда келаси йилдан биринчи лигада ўйнаш учун уч коллектив ўртасида Бутуниттифоқ саралаш мусобақаси ўтказилмоқда. Мухлислар самарқандлик спартакчилар, Кривой Рогнинг «Богатир» ҳамда ереванлик студентлардан қай бири ягона йўлланмани қўлга киритаркин, деб турганди лар. Самарқандлик хоккейчилар биринчи учрашувни «Богатир» командаси (4:2) билан ўтказиб, муваффақиятга эришдилар. Кейин вакилларимиз «Буревестник» хоккейчиларидан (1:2) енгилишди. Лекин тўплар нисбатига кўра самарқандликлар келаси йил биринчи лигада ўйнаш имкониятига эга бўлишди.

ҚИЛИЧБОЗЛИК:

АРМИЯЧИЛАР МАҲОРАТИ

Москва областида СССР Куролли кучлари кубоги учун ўтказилган мусобақа ниҳоясига етди. Соврин учун курашда иштирок этган тошкентлик Борис Либерман шамширшилар бахсида фахрли учинчи ўринни олиб, кўксига бронза медали тақди. У СССР Куролли кучлари терма командаси составига қабул қилинди. Энди Борис Чехословакиядa 19-23 сентябрь кунлари ўтказиладиган «Дўстона» армиячилар чемпионатида иштирок этади. У билан таниқли қиличбоз, тошкентлик Собир Рўзиев ва Павел Железновлар ҳам мусобақага йўл оладилар.

ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ:

ФАХРЛИ ЎРИН

Хмельницкий шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган СССР биринчилиги якунланди. Республикамиз терма командаси вакиллари фахрли иккинчи ўринга кўтарилдилар. Мусобақада жами ўн саккиз команда иштирок этди. Молдавиялик спортчилар биринчи ўринни олишди. Шахсий ҳисобда «К-1» машқи бўйича 500 метрга ўтказилган мусобақада чирчиқлик меҳнатчи Сергей Датченко маррага биринчи бўлиб келди. Тошкентлик студент В. Устинович, унинг ҳамшаҳри Н. Харитонова ҳамда «Меҳнат резервлари» вакили Т. Борисенколар иккинчи ўринга кўтарилдилар.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

✦ ЧИМ ХОККЕЙ. Аввлар олий лига командалари мамлакат чемпионатининг саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказган олти коллектив фахрли ўринлар учун ҳал қилувчи бахсларни бошлаб юборди. Учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Спартак» (Москва) — «Строитель» (Боку) — 1:0, «Спартак» (Москва области) — «Спартак» (Борький) — 6:2, «Андижанка» — Москва жисмоний тарбия институти — 2:0.

✦ КУРАШ. Таллинда касаба союзлари кўнгилли спорт жамиятлари вакиллари ўртасида классик нураш бўйича мамлакат шахсий чемпионати тугади. 149 нафар нурашчи иштирок этган бу мусобақада Спартакиада чемпиони, тошкентлик Комил Фатнулин кумуш медали бўлди.

✦ ХОККЕЙ. Прагада «Руде право» газетаси соврини учун ўтказилган халқаро турнир якунланди. Ҳал қилувчи бахсда совет хоккеначилари ЧССР командасидан 6:4 ҳисобида устун келиб, бош совринни қўлга киритдилар. Швеция командаси учинчи ўринни эгаллади.

✦ ФУТБОЛ. Иккинчи лига коллективлари мамлакат чемпионатининг 37-тур ўйинларини ўтказишди. Бешинчи зона пешқадами Жиззахнинг «Бустон» командаси самарқандлик динамочилардан устун келиб (2:1), очколарини 52 тага етказди. Иккинчи ўринда бораётган «Шаҳрихонча» футболчилари «Амударё» коллективини қабул қилиб (5:1), очколарини 51 та қилиб олдилар.

КИЧИК ШАҲАРЛАР ИСТИҚБОЛИ

КОСОНСОЙ ЖАМОЛИ

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан район қарамоғидаги Косонсой шаҳри область қарамоғидаги шаҳарлар категориясига ўтказилди. Шу муносабат билан «Совет Узбекистони» мухбири Т. Назиров Косонсой шаҳар Советининг депутати, республика қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 58-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Турсунбой Ҳомидов билан қурилиш кўлами ва унинг истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

— Замонавий шаҳарлар қурилиши КПСС XXV съезди қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу соҳага партия раҳбарлигини кучайтириш, ҳар бир бинокор тўғрисида қурувчи-монтажчиларга оталарча ғамхўрлик кўрсатиш зарурлиги уқтирилади. Коммунистик партия, Совет давлатининг меҳрибонлиги ҳамда ардоғига жавобан меҳнатда юксак суръат ва сифат кўрсаткичларига эришмоқдамиз. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин. Бундан уч йил муқаддам Косонсой шаҳри қурилишларида жами 3,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлса, бу кўрсаткич икки баравардан зиёд кўпайди. Ёки эндиликда 7,5 миллион сўмлик иш қилинаётир. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги 22,3 процентга кўтарилди. Қурилиш сифати яхшиланди. Механизациялаш даражаси 1,2 баравар ўсди.

Косонсой Наманган областининг шимоли-ғарбий зонасида жойлашган. Бу ердаги сўлим боғлар, сайлгоҳлар, шўх оқар сойлар атрофида область ва ҳатто республика аҳамиятига молик дам олиш зоналари, санаторий ва профилакторийлар жойлашган. Йирик атлас тўқиш ва бошқа саноат корхоналари бор. Бинокорларимиз буни эътиборга олиб, қурилишда миллий безакдардан, қадимий мозаика, орнаментлардан кўпроқ фойдаланишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Умуман, шаҳарнинг тўрт томонидан кирсангиз ҳам унинг ўзига хос хусусиятини қурилишлар белгилайди. Ҳар бир бино ташқи безаги билан бир-биридан ажралиб туради ва айни вақтда социалистик турмуш тарзимизнинг акс садоси бўлиб бир нуқтага уйғунлашади.

Кейинги уч йилда шаҳар маркази реконструкция қилинди. Ҳозирги кунда В. И. Ленин майдони (доҳий монументи олдида) ва кўп қаватли Савдо маркази, Болалар дунёси, атлас тўқиш фабрикаси, райком ва Советлар уйининг бинолари бир-бирини тўлдириб, ўзига хос ансамблни вужудга келтириб турибди. Бинокорларимиз шаҳар марказини қайта қуришда замонавий қурилиш индустрияси материалларидан: йирик ойнаванд пештоқлар, йнема темир-бетонлар, ранг-баранг товланувчи мозаика қурилмаларидан кенг фойдаланишди. Буларнинг ҳаммаси шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшмоқда. Меҳнаткашлар учун энг яхши қулайликлар яратмоқда. Бош инженер А. Абдуллаев, прораблардан Х. Камолов, А. Жамолов, А. Абдуллаевлар қурилишда алобинчасига ишлаб, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб бораётганликлари натижасида ана шундай муваффақиятларга эришилди.

Шаҳар қурилишида уй-жойлар, болалар боғча-яслилари, мактаблар ва бошқа турдаги маданий-маиший объектлар ҳам катта аҳамиятга молик. Бинокорларимиз ўтган уч йилда 2826 квадрат метр ўрнига 3905 квадрат метр уй-жойларни, 180 ўрнига, 360 ўринли боғча-яслиларни, 1386 ўрнига 1834 ўринли мактабларни фойдаланишга топширдилар. Биз беш йилликнинг тўртинчи йилида 7,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олганмиз. Жуда кўп бинокорларимиз беш йиллик планни тўрт йилда уддалаш учун курашиб, меҳнатда юксак натижаларга эришмоқдалар. Бугунги кунда И. Ёқубов, С. Қодиров, О. Раҳматуллаев, Г. Сатторов, А. Тошматов ўртоқлар ўзаро социалистик мусобақада икки квартал дан буён голиблик байроғини қўлларида сақлаб келаётирлар.

Қурилиш суръати ва сифатини оширишнинг муҳим омилларидан бири унинг моддий-техника базасининг нечоғли мустаҳкамлиги билан ўлчанади. Колоннамиз ҳузурида йирик темир-бетон полигони ишга туширилди. Ғишт, шағал ва қум каби материалларни узлуксиз етказиб бериш конвейер усулида ташкил қилинган. Цемент, ёғоч-тахта каби материалларни пешма-пеш ташиб келтиришда прогрессив усуллардан кенг фойдаланилаётгани қурилиш-монтаж ишлари суръатини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Косонсой шаҳри қурилишларининг истиқболи порлоқ. Бу ерда беш йиллик охирига борибқолоннамиз коллективи 15 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш режаларини кўзлаб меҳнат қилаётирлар. Чунки, қурилиш шаҳар ҳусни-жамолини янада яшнатади. Яна бир қувончли нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман: Косонсой шаҳрининг тарихи эрамиздан аввалги I—II асрларга борибтақалади. 1948 йилда профессор А. Н. Берштам бошчилигидаги экспедиция шаҳарда археологик-қидирув ишларини олиб борди ва бу ерда бронза даврига оид ноёб топилмаларни аниқлаган. Қурувчи-монтажчиларимиз шаҳарни ободонлаштириш, тиклаш ишларида унинг ўзига хос ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Барча ишларимизни илмий асосларда олиб бормоқдамиз.

Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳардан бири бўлган Косонсойнинг келажаги янада порлоқ. Коммунистик партия, Совет ҳукумати Косонсой ва косонсойликлар тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилиб келаётгани бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшади. Меҳнат муваффақиятларимизни янада кўпайтиради.

Ахборот

«Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирлари хабар қиладилар

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР КЎПАЯДИ

Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Уйчи экспериментал базасида энг яхши, серҳосил узум навларининг 300 мингдан ортиқ кўчати сотиш учун тайёрлаб қўйилди.

Кўчат бундан бир йил муқаддам Чотқол тизмаси этакларида ўзлаштирилган кўриқ ерларда экишга етказилди. Бу ерда ток кўчатидан ташқари олма, нок, шафтоли ва бошқа мевали дарахтларнинг кўчатлари ҳам етиштирилмоқда. Колхоз ва совхозларга сотишга мўлжалланган кўчатларнинг ҳар бир туркумига қўшиб бериладиган паспортда уларни республиканинг турли иқлим зоналарида етиштиришга доир тавсиялар баён этилган.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИБ

Китоб районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг трактор поездларини ҳайдовчилардан С. Раҳимов билан К. Норов ем-хашакни чорва қишлоғи жойларига ташишда юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар. Уларнинг ҳар бири кун сайин ферма далаларидан пичан, сенаж, витаминли ўт талқони тайёрлаш учун мўлжалланган 10—15 тонна кўк беда массасини етказиб бермоқда. Бу нормада белгиланганидан анча кўпдир.

„МАЙХЎР“ МАШИНА

ФЕЛЬЕТОН

Ҳамма гап Камолнинг тўйидан бошланди. Тўй ўтказган биланди, унинг ташвиши бир ой олдин бошланиб, яна шунча вақтдан кейин тугайди. Ораз-ҳавас экан, Камолжон Раҳимов тўй куни бутун йиғганини тўкиб ташлади. Турли хил ноз-неъматлардан столларнинг бели сингудек бўлди. Маслаҳатчиларнинг гапи билан мажалласидаги 19-магазиндан беш яшик ароқ олдириб келди. Қариндош-уруғлар ҳам бўш келишмади, яшик-яшик ароқ ва винони тўёна қилиб олиб келишди. Хулласи, ичкилик дегани меҳмонларнинг бурнидан чиқудек бўлди. Ҳатто тўйдан кейинги келди-кетдилардан сўнг ҳам уч яшик ароқ ортиб қолди. Камолжон уни машинага ортди-да, нарироқдаги 18-магазинга «сотиб юборарсиз» деб ташлаб келди. Магазин мудири Баҳшилло Бозоров ароқнинг пулини кейинроқ беришини айтиб, ҳайр-маъзурни қўюқ қилиб қолди.

Орадан бир кун ўтди. Баҳшилло ҳали тўй ароғини сотиб улгурмаган ҳам эдики, қўшни — 19-магазининг сотувчиси Шароф Баҳронов ҳовлиқканича югуриб келди-да, э йўқ-бе йўқ, саломлашишни ҳам унутиб, «сотдингми, пулламаган бўлсанг, дарров йўқот» деб Баҳшиллонинг қулоғига шивирлади.

— Нимани, тушунмаяпман, — Баҳшилло ҳам ундан ўсмоқчилаб сўради.

— Нима бўларди, Камол қайтариб келтирган ароқни айтяпман. Уни тезроқ гумдон қил, вақт зиқ.

— Эсинг жойидами ўзи? Нима, шишадаги ароқ эмас, сув эканми?

— Сув эмас, ясама ароқ, эшитяпсанми, ясама, сунъий, қўлда ясалган. Кимдир «сотибди», ҳозир бизнинг дўконни милиция босди, мудиримиз Мавлоновни олиб кетишди.

Бу гаплар Баҳшиллонинг қулоғига эмас, бошига урилган залварли гурзидек бўлди. Ранги қув ўчиб тиззаларига қалтироқ кирди. У жон ҳолатда 20 шиша ароқни яшиги билан орқалагانچа уйига олиб келди-да, молхонага беркитиб ташлади. Аммо таваккалнинг таги ёғ бўларкан. Кўп ўтмай, бу сир ҳам ошкор бўлди. Шу билан чувалган калаванинг учи топилиб, масала ойдинлаша бошлади.

Хўш, қўлбола ароқлар қаердан пайдо бўлди-ю, уни кимлар ясаб савдога чиқаргان? Аслида, воқеа бундай бўлган эди:

Бухоролик Исмат Мўминовнинг пул деса ўзини томдан ташлайдиган одати бор эди. У ўзига ўхшаш бекорчи Рубен Хожаян билан учрашиб қолганидан кейин, нафси янада қаттиқроқ ҳалакак ота бошлади. Иккови бир шиша ароқ устида танишиб, дўстлашиб кетишди.

— Менга қара, Рубен, — деди Исмат кўзларини гиёҳиё қилиб, — шу ҳам ароқ бўлдими, ярми сув-ку...

— Қўявер, ярми сув бўлгани билан номи ароқ, борига шукур қилиб отавермайсанми?

— Бунга қара, — Исмат машинаси ўриндиғи остидан ароқ шишаси қопқоғини худди заводдагидек маҳкамлайдиган ёғ ускунани олиб кўрсатди. — Қалай, қойилмисан? Агар истасам, ўзим ароқ ясайман, англадингми?

— Ажойиб-ку. Бунинг ёпғич эмас, муллажиринг тайёрлайдиган сеҳрли қурол экан, — Рубеннинг ҳам кўзлари чақнаб кетди. — Қулингни бер, шиша ёпғич сендан, муҳрли қопқоқни топиш мендан. Энди спиртнинг иложини топсак, ишимиз беш. Аммо оғзингга эҳтиёт бўл, ҳидини кўчага чиқаргудек бўлсанг, кўп одамнинг оёғидан тортиб кетасан...

Енг ичида иш битиришга чоғланган бу икки ароқсозларга янги шериклар ҳам топила қолди. Бухородаги 22-узумчилик совхози вино заводида шофер бўлиб ишлайдиган Соҳибназар Ражабов, Бухоро район матлубот жамиятига қарашли 19-магазин сотувчилари Ярқуб Мавлонов ва Шароф Баҳроновлар ана шулар жумласидан эди. Бу «тўрт оғайни ботирлар»нинг боши бир жойга бирикканидан кейин Исмат ҳар кимнинг вазифасини белгилаб берди. Вино заводнинг 14-24 БХЖ номерли спирт ташийдиган цистернали автомашинаси ҳайдовчиси Соҳибназар Ражабов даврани спирт билан таъминлайдиган, Исмат билан Рубен қўлбола ароқ тайёрлайдиган, Ярқуб билан Шароф эса тайёр ароқни пуллаб берадиган бўлишди. Тушган даромадни ўртада арра қилишга келишиб олишди.

Орадан кўп ўтмай, қўлбола ароқнинг дастлабки яшиклари сотишга чиқарилди. Соҳибназар Ражабов берган ваъдасининг уддасидан чиқиб, заводга қарашли спиртдан 50 литрини ўғирлаб келган ва ҳар бир литри учун беш сўмдан, жами 250 сўмни жараклатиб санаб олган эди.

— Ароқни қаерда тайёрлаймиз, ҳолироқ жой топсак бўларди, — деди Рубен Исматга.

— Ҳоли жойни мен топаман, — ташаббусни қўлига олиб деди Ярқуб. — Мен магазин мудирлигидан ташқари Бухоро ип-газлама комбинатининг «Ёш тўқимачи» пионер лагерида қоровуллик ҳам қиламан. Жуда тинч, сизларнинг кўнглингиздагидай ҳоли жой.

Рубен ва Ярқуб дарҳол Исматнинг машинасига ўтириб пионер лагерига равона бўлишди. Бу ерда ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган эди. Улар ишга киришиб, шу куннёқ 200 шиша «Самарқанд вино заводи» деб муҳр қўйилган экстра ароғини тайёрлаб, 19-магазинга элтиб беришди. Навбат Ярқуб Мавлоновга етди. У ўша заҳоти ҳар бир шиша қўлбола ароққа 3 сўм 20 тийиндан пул санаб берди-да, «бу ёғини неча сўмдан сотиш каминаларинг ихтиёрида», деб шерикларини кузатиб қўйди. Иш ҳамиртдан қил суғургандек осон кўчди. Бир-бирларига панд беришмади, Ҳамёнлар пулга тўлди. «Тўрт оғайни ботирлар»нинг оғзи қулоғида.

Нафс дегани ёмон экан. Ҳалалак отиб домига тортганида маманам деган устаси фаранглар ҳам чидаш беролмас экан. Исмат Мўминов ва унинг шериклари орадан уч кун ўтгач бояги пионер лагерида яна тўпланишди. Улар йўл-йўлакай Бухоро шаҳар озиқ-овқат савдосига қарашли 65-магазиндан 36 сўмга 260 та «Экстра ароғи» деган ёрлиқ ёпиштирилган бўш шиша ларни ҳам ола келишди. «Тўрт оғайни ботирлар»нинг ароқ заводи яна ишга тушди. Кўз очиб юмгунча 260 шиша ароқ тайёрланиб, «Самарқанд вино заводи» деган муҳрли қопқоқлар билан ёпилди. 19-магазин уларни яна қучоқ очиб кутиб олди. Ана даромаду, мана даромад. Озгина ҳаракат билан 1472 сўм чўнтакка кирди. Бу орада мазахўрак бўлиб қолган Соҳибназар Ражабов уларга тағин 150 литр спирт келтириб берди. Шундай қилиб шаҳсий «ароқ заводи» ишлагандан ишлайверди...

Кўзбўямачи тулки бўлади, эл ичида кулги бўлади, деган гап бор. Чиндан ҳам «тўрт оғайни ботирлар» юрак ютиб ҳар қанча тўкинлик қилишса ҳам, охири сирлари ошкор бўлиб, элнинг нафратига учрашди. Текшир-текшир бўлиб Рубен Хожаяннинг уйида минг дона Самарқанд вино заводи муҳри босилган шиша қопқоқлари, бир четда тўриб қўйилган канистрларда 150 литр спирт борлиги аниқланди. Соҳибназар Ражабовнинг ҳам уйидан 40 литр спирт, Исмат Мўминовнинг машинаси ўриндиғи остидан эса шиша ёпадиган ускуна, ароқ тайёрлаш учун ишлатиладиган минерал кўмир парашоги топилди. Шундай қилиб, текин томоқ тешиб чиқди. «Майхўр машина» синди. Аммо гап шу ерга етганда яна бир савол туғилади. Хўш, Исмат Мўминов ва Рубен Хожаян мингминг доналаб Самарқанд вино заводи муҳри босилган шиша қопқоқларини қаердан олишди? Бухородаги 22-совхоз заводига келтирилаётган спиртнинг «тоши» енгилашиб қолаётгани наҳотки корхона маъмуриятини безовта қилмаса? Бухоро район матлубот жамиятига қарашли магазинларда шунча воқеалар ўтса-ю, матлубот жамияти раҳбарлари жим юришса? Наҳотки, Бухоро ип-газлама комбинатига қарашли пионер лагери қўлбола ароқ тайёрлайдиган яширин корхонага айланса-ю, бундан лагерь раҳбарлари бехабар бўлишса? Чиндан ҳам ғалати воқеа. Ёки бир сабаби бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур, деган мақол ана шу ажабтовур воқеани назарда тутиб айтилган бўлмасин? Бу саволларга тегишли ташкилотлар жавоб беради, деган умиддамиз.

Ҳошим ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Заряднка сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 12.10 — Бугун — Ўрмон ходимлари куни. 12.30 — Музикали киоск. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Мексика мустақил деб эълон қилинган кунга бағишланган кинопрограмма. 14.40 — Фильм-спектакль. 16.55 — Халқаро болалар йилига. 17.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15— 1979 йил қушиқлари. 19.45 — Бир йилнинг тўққиз куни. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.25 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Андижон шаҳар маҳоллалар ансамбли ижро этади. 10.50 — Беполён Ватаним менинг. 11.20 — Болалар учун фильм-концерт. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 15.20 — Сентябрь кирганда. Бадиий фильм. 16.45 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Фонарик. 19.00 Бугун — Ўрмон ходимлари куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Оловли йўллар. Бадиий фильм, 4-серия. 23.10 — Фильм-концерт.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.45 — Фрунзе: кўрсатувлари.

17 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 —. Гимнастика. 10.05 — Қувноқ воқеалар. Бадиий фильм. 11.20— Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Объектив. 16.40 — Сиз яратган бог. 17.00 — Концерт. 17.35 — Қувноқ стартлар. 18.20 — Беш йиллик. Тўртинчи йил. 19.00 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 19.30 — А. Пахмутова қўшиқлари. 20.00 — Новороссийскнинг афсонавий тупроғи. 20.15 — Спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Нима, қаерда, қачон? Викторина. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Географиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Асмик. Фильм. 12.30 — СССРнинг табиий ресурслари. 18.20 — Ўзбекистон пионерларининг газетаси «Ленин учқуни» 50 ёшда. 19.00 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Санъат усталари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Назм ва наво. Ҳамза лирикаси. 23.20 — Телефильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40— Болалар учун фильм. 18.55 — Қолган умрим эвазига. Кўп серияли бадиий фильм, 1-серия. 20.10 — Янгиликлар.

РАДИО

16 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 10.40 — Дутор тароналари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Бугун Гулистон парандачилик фабрикасида. 13.30 — Ўрмон ходимлари, Сизлар учун. 14.00 — Ўрмон — бизнинг бойлигимиз. 15.40 — Суд. Ҳамза номли Қўқон театри спектаклининг монтажи. 17.10 — Музикали салом. 18.15 — Ешлик. 19.30 — Спорт программаси. 20.25 — Ўзбек куйларидан концерт. 21.00 — Табассум. 22.28 — Ўрмон ходимлари учун музикали программа. 23.15 — Куз оқшоми.

17 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Совет турмуш тарзи туркумидан. 9.30 — Халқ оҳанглари. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Республика бўрдоқичилик базаларида. 13.30 — СССР Давлат телевиденеси ва радиосининг эстрада оркестри чалади. 14.00 — «Оқ олтин» карвон-карвон. 18.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.50 — Ешлик. 19.45 — Эстрада миниатюралари. 20.25 — Жонажон ўлка қўшиқлари. 21.00 — Руда конларини ўзлаштиришда геологларнинг қўшган ҳиссаси. 21.15 — Москва. 22.28 — Лутфий ва Фузулий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
1979-80 ўқув йили учун
Кундузги ўқиш формасидаги
ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмлар йўлланмаси билан келган илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Куролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун таниснномалар ўқишга юбориш тўғрисидаги масала кўриладиган пайтгача камида бир йиллик иш стажи бўлганларгагина берилиши керак. Амалий иш стажи мазкур корхонада (колхозда) ишчи (колхозчи) лавозимида сўнгги йил давомида узлуксиз бўлиши керак. (Шогирд сифатида ишлаган вақти тайёрлов бўлимига қабул қилишда инобатга олинмайди). Ўқишга юборилган колхозчилар ҳар бир иш йилида мажбурий колхоз учун белгиланган минимум меҳнат кунини ишлаган бўлиши лозим.

Меҳнат стажига эга бўлган ва кундузги ўрта мактабни 1979 йилда битирганлар тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ариза, йўлланма (илова—2 ёки, 1, 3), ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, корхона раҳбари тасдиқлаган бўлиши керак), медицина справкаси (286 форма), 8 та фотосурат (3х4 см.).

Аризалар 1 октябрдан 10 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбат икки-уч фан: биология, химия, физикадан — 11 дан 24 ноябргача ўтказилади.

Тингловчилар сафига ўтказиш 25 дан 30 ноябргача.

Тайёрлов бўлимини битирган ва имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар институт кундузги бўлимининг 1-курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш — 1 декабрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ойига 40 сўм миқдорида стипендия, бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: 703038, Самарқанд шаҳри, Житомир кўчаси, 6-уй.

Узбекистон ССР Геология министрлигининг
ВЛКСМ 50 ИЙЛЛИГИ НОМЛИ БУХОРО РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА
электргаз пайвандчилар, бурғулаш ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарлар, токарлар, ишчилар, юк ташувчилар, таъминот агентлари, цех ва участкаларнинг ишлаб чиқариш мастерлари, бош энергетик, инженер-технологлар, конструкторлар, техника бўлимининг бошлиғи
КЕРАК
Меҳнат ҳақи ишбай ва вақтбай-мукофотли. Елғизлар ва оилалиларга ётоқхона берилади, квартира эса 3 йил мобайнида берилади.
Бизнинг адрес: Бухоро шаҳри, Промишленная кўчаси, 2-уй (1-автобуснинг «РМЗ» бекати).

Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ КУРОРТОЛОГИЯ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
гинекология группасининг
катта илмий ходими
вакант вазифасига
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати—7 октябрга.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилади: 700084, Тошкент шаҳри, Е-84, Хуршид кўчаси, 4-уй.

Тошкент малақ ҳўжалиги институти коллективи қишлоқ ҳўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳўжалик фаолиятини анализ қилиш кафедрасининг доценти, иқтисод фанлари номзоди А. С. Сотиболдиевга онаси
Уғилжон СУЛТОНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-03, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назариясы пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ККАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Фурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02164. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 214.